

# Xabar

17  
(814)-son

25-aprel

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2008

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги келгуси йилнинг баҳоридан мамлакатда интернет-телевизорлар савдоси бошланишини маълум қилди. Мазкур телевизорларнинг илк намуналари Sony ва Matsushita (Panasonic) заводлари томонидан чиқарилди.

Янги авлод телевизорлари орқали умуммиллий йўлдошли ва кабел телевизион каналлари билан бирга, чет эл телеканалларини ҳам томоша қилиш мумкин. Юқори тезликдаги интернет тармоқлари орқали чекланмаган миқдордаги дастурларни қабул қилиш имконияти мавжуд, бу борада "буюртма бўйича дастур" ҳам кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, сеvimли кўрсатув ёки филмларни исталган пайтда кўрса бўлади.

## Ушбу сонда

Долзарб масалалар муҳокамада:  
Электрон ҳужжат айланиши ва ЭРИ

2-бет

Доимий назоратда

4-бет

Уверенный шаг в будущее

6-бет

Компьютер сабоқлари

11-12-бетлар

Пул – ҳаёт муаммоси...ми?

14-бет

Табаррук маскан

16-бет



ЭЛЕКТРОН  
ТЎЛОВ  
ТИЗИМЛАРИ:

## КИМ КЎП-ФОЙДА КЎРАДИ?!

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасидаги ўзгаришлар кўз илғамас даражада содир бўлмоқда. Мамлакатимизда электрон тўлов тизимлари (PAYNET, FAST PAY, E-PAY, UNIPAY ва бошқалар) иш бошлаганига ҳеч қанча вақт ўтмаган бўлса-да, бугунга келиб уларнинг хизматидан миллионлаб кишилар фойдаланмоқда. Айниқса, мобил алоқанинг ривожланиши ушбу тизимнинг тез тараққий этишига катта туртки берди. Электрон тўлов тизимларининг ўнлаб турлари, йўналишлари мавжуд. Қуйида уларнинг аҳоли орасида кенг қўлланилаётганлари (банк тизимидан ташқари) ҳақида фикр юритамиз. Албатта, мулоҳаза давомида жаҳон тажрибаси, тўлов тизимлари тарихи ва унинг истиқболларига ҳам тўхталиб ўтамиз.

5-бет




Кенг қамровли  
сугурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05 факс: (+998 71) 173-80-06



**Uz Net**  
Internet Service Provider  
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —  
JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2008 йил 22-23 апрел кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

✓ Матбуотда "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

✓ **18 апрелда Вазирлар Маҳкамаси мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама муҳокама қилинди.**

✓ Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Орол денгизи муаммолари ва Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда АКШ Конгресси, ушбу мамлакат Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти, Мудофаа вазирлиги, Халқаро ривожланиш бўйича агентлик, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва савдо вазирликлари, шунингдек, қатор нуфузли халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки, БМТ тараққиёт дастури, БМТ жамғармаси вакиллари иштирок этди.

✓ Матбуотда "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари чоп этилди.

✓ Мамлакатимизга ташриф буюрган Уммон Султонлиги таълим вазири Яхъё бин Сауд ал-Сулаймий раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 апрел кuni Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда икки томон учун ҳам манfaatли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

## XALQARO ANJUMAN

**Жорий йилнинг 23 апрел кuni Тошкентдаги "Le Grande Plaza" меҳмонхонасида "Электрон ҳужжат айланиши инфратузилмаси ва хизматларини ривожлантириш ҳамда электрон рақамли имзо (ЭРИ)дан фойдаланишнинг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман иш бошлади.**



## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАДА: ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ ВА ЭРИ



Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари бўйича Федерал агентлиги томонидан ташкил этилди.

Халқаро анжуманга қатор хорижий ташкилотлар ҳамда мамлакатимиздаги илмий муассасалар, вазирликлар, давлат қўмиталари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлардан мутахассислар таклиф этилди.

Йиғилишни Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори М.Маҳмудов олиб борди. Анжуман қатнашчиларини қутлаш учун ЎзААА Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев ва РФ Ахборот технологиялари бўйича Федерал агентлиги бўлим бошлиғи С.Хламовларга сўз берилди. Сўзга чиққанлар ушбу тадбир электрон ҳужжат айланиши тизимини ривожлантириш ва ЭРИ соҳасидаги қатор муаммоли масалалар ечимини топиши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб

этишини таъкидлашди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов ҳамда РФ Ахборот технологиялари бўйича Федерал агентлиги раҳбари В.Матюхинларнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табрик хатлари ўқиб эшиттирилди.

Шундан сўнг навбат маърузаларга берилди. Анжуманнинг дастлабки иш кuni ЎзААА Бош директори ўринбосари А.Хўжаев, "Ўзбектелеком" АК бош директори Х.Муҳитдинов, Агентлик бўлим бошлиғи Ф.Аъзамов, ФТМТМ бош директори М.Маҳмудов ҳамда бир қатор хорижий соҳа мутахассис-раҳбарлари, жумладан, республикамизда АКТнинг ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистонда давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва хизматларини ривожлантириш, мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмасини ривожлантириш, трансчегравий ахборот муносабатлари жараёнида ишончли учинчи томон сервисларидан фойдала-

ниш: назарийёт ва амалиёт, ахборотни химоялашнинг замонавий усуллари ва бошқа кўплаб мавзулардаги маърузалари билан чиқиш қилдилар.

24 апрел кuni анжуман қатнашчилари икки шўъба бўлигун ҳолда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмаси ва хизматларини ривожлантириш масалалари ҳамда ЭРИдан фойдаланишнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилишди. Унда ФТМТМ, ЎзР Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари, шунингдек, "АНК", "Андэк Техноложиз", "Алладин", "Қирғизтелеком" ва бошқа компаниялар вакиллари-нинг маърузалари тингланди.

Кун якунида умумий йиғилиш ўтказилиб, шўъба мажлислари натижалари билан танишилди ва анжуман қарори қабул қилинди.

Анжуманнинг учинчи кунидан турли маданий тадбирлар ўрин олган.

**Собит АҲАДОВ,**  
"Xabar" мухбири

## КЭЛН ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН КУРАШ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида компьютер ўйинлари бўйича олтинчи Ўзбекистон чемпионати очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев қатнашди.

Анжуманда "InfoCOM.UZ" журнали таҳрир хайъати раҳбари А.Сучков турнир низоми, ўтказилиш тартиби, янги қондалар ҳақида маълумот берди ҳамда киберспортчилар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Маълум қилинишича, худди аввалги йиллардагидек, бу йилги чемпионат фолиблари ҳам жаҳон чемпионатининг финали — жорий йилнинг 3-10 ноябр кунлари Германиянинг Келн шаҳри мезбонлик қиладиган Grand Final WCG 2008 мусобақаларида йўлланма оладилар.

WCG 2008нинг республика саралаш турнири икки босқичдан иборат. 15-31 май кунлари турнир қатнашчилари рўйхатга олинади. Дастлабки босқич мамлакатимизнинг беш шаҳрида бўлиб ўтади. Бухоро (31 май-1 июн), Самарқанд (7-8 июн), Қарши (14-15 июн), Андижон (Фарғонада ўтказилиши ҳам мумкин (21-22 июн) ва Тошкент (26-29 июн) шаҳарларида саралашдан ўтган геймерлар 3 июл кuni пойтахтда ўтадиган чемпионат Миллий финалида куч сиништириш ва улар орасидан тўққиз нафари Келн йўлланмаси соҳибига айланади. Фолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими 4 июл кuni ўтказилади.

Олтинчи чемпионат ташкилотчилари — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбектелеком" АК (бош ҳомий) ва "InfoCOM.UZ" журнали.

**Ўз мухбиримиз**

**WCG-2008 Uzbekistan Preliminary расмий ўйинлари:**  
**WarCraft® III: Frozen Throne** — 1996 йил 6 ноябрғача туғилган ўйинчилар қатнашади.  
**StarCraft®: Brood War™** — 1996 йил 6 ноябрғача туғилган ўйинчилар қатнашади.  
**FIFA Soccer 08** — ўйинчилар ёши чекланмаган.  
**Half-Life™: Counter-Strike 1.6** — 1992 йил 6 ноябрғача туғилган ўйинчилар қатнашади.  
**Need for Speed™ ProstreetCarbon** — 2002 йил 6 ноябрғача туғилган ўйинчилар қатнашади.

QAROR VA IJRO

МАЛАКА ОШИРИШДИ

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги “2010 йилгача почта алоқаси шахобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича қатор тадбирлар режалаштирилиб, амалга ошириб келинмоқда.

Ана шу тадбирлар режасига кўра, ҳозирча 8та почта алоқаси тармоғи электрон пул ўтказмалари тизимига уланди. Ушбу тизимга яқин кунларда Учкўприк, Риштон, Тошлоқ, Янгиқўрғон, Яйпан почта алоқаси тармоқлари, кейинроқ қолган тармоқлар ҳам уланди.

Турган гапки, бу соҳа мутахассислари малакасини оширишни талаб этади.

— Барча почта алоқаси тармоқларининг марказий амалиёт бўлими тезкор ишчилари ва масъул ходимлари ушбу хизмат тури бўйича ўқитилмоқда, — дейди филиал методика ва ўқув бўлими бошлиғи Тамара Французова. — Машгулотларни филиалнинг ахборот технологиялари бўлими бошлиғи Алишержон Эргашев ҳамда мутахассис Дилмуроджон Жўраевлар ўтказишмоқда.

— Биз барча қулайликларга эга бўлган ётоқхонада яшаб, энг замонавий компютерлар билан жиҳозланган интернет-кафеда зақур билим ва кўникмаларни эгаллаганимиздан мамнунмиз, — деди Учкўприк туман почта алоқаси тармоғи электрон пул ўтказмалари оператори Шерзоджон Умаров. — Энди тармоғимизда шу хизматни йўлга қўйиб, иш сифати ва самардорлигини ошира оламиз.

Ўқув бўлимида 35 нафардан ортиқ ходимлар ўз малака ва билимларини мустаҳкамлаб олдилар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,  
“Хабар”нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

Яқинда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида Самарқанд вилояти ҳуқуқ-тартибот, ички ишлар ва диний идоралари вакиллари иштирокида «Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликка қарши кураш — ҳар биримизнинг бурчимиздир» мавзусида тадбир ўтказилди.

Ҳар биримизнинг бурчимиз

Тадбирни ТАТУ Самарқанд филиали директори Омон Мелиев кириш сўзи билан очди.

Тадбирда «Терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, миссионерлик ва гиёҳвандликка қарши кураш ҳақида» вилоят миллий хавфсизлик хизмати ходими Умид Бобомуродов, «Диний экстремизм ва миссионерликнинг салбий оқибатлари» тўғрисида вилоят бош имом хатиби ўринбосари Маҳмуджон Ибодуллаев ва Самарқанд шаҳар бош имом хатиби Умиджон Рустамов сўзга чиқдилар.

Маърузачилар ўз чиқишларида, асосан диний экстремизм ва террорчилар томонидан Тошкентдаги 1999 йил 16 феврал воқеалари, 2005 йил май ойидаги Анди-



жонда содир этилган мудҳиш воқеаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан юртимиздаги қадимий обидаларни қайта тиклаш ишлари, жумладан, Самарқандда Имом ал-Бухорий мажмуи, Имом Мотуридий, Хўжа Аҳрор Валий, Шоҳи Зинда ансамбли каби тарихий иншоотларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Ийд-Рамазон ва Ийд-Қурбон ҳайитлари байрам қилиниб, ўша кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди.

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, Ватанимиз ёшларига уларнинг ўқишларига, ўзлари танлаган касбларда ишлашларига, эзгу мақсадларини амалга оширишга янада кўпроқ имконият беради.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир». Ҳақиқатан ҳам юрт истикболи ва обрўсини кўтариш ёшларимиз қўлида.

Абдуғофур ҲОТАМОВ,  
“Хабар”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Фикр

ТАВБА ҚИЛИШ ЯХШИ-Ю,  
ЛЕКИН ЁВУЗЛИК ҚИЛМАСЛИК  
УНДАН ҲАМ ЯХШИ.

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА

Жорий йил феврал ойида ўтказилган Агентлик Ҳайъатининг 2007 йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида соҳа корхона ва ташкилотлари олдига бир қатор муҳим вазифалар қўйилиб, жумладан, хусусий бизнес ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш, сервис инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ҳақида сўз юритилганди. “Ўзбектелеком Мобайл” филиалида ушбу вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида»ги Қарорини бажариш, дилерлик ва таксофон хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида барча вилоятларда семинарлар ўтказилди.

Семинарларда “Ўзбектелеком Мобайл” филиали тармоғида сервис хизматларини ривожлантириш, дилерлик, интернет ва сўзлашув шахобчаларини ташкиллаштириш, филиал томонидан кичик корхоналар учун берилаётган имтиёзли шартлар ҳақида маърузалар қилинди.

Филиал биринчи чоракда ўзининг биллинг тизимини тубдан янгиллади. Ушбу тизимнинг энг асосий жиҳатлари, бу мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш, турли тариф режаларини таклиф этиш ҳамда имтиёзли реклама акцияларини ўтказиш имкониятларини беради. Шунингдек, янги биллинг тизими ишга тушиши билан ҳозирги кунда филиалда дилерлик йўналишлари бўйича ҳамкорлик қилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида биллингга масофадан уланиш ва ундан фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлди.

Ўтган уч ой давомида филиал томонидан «Ўзбектелеком» АК ёрдамида республика бўйича жами 22та CDMA-450 база станцияси ўрнатилди. Жумладан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Паркент, Зангиота, Бекобод, Бўстонлик, Қибрай туманларида 8та, Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида битта, Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида битта, Тошкент шаҳрида эса 14та база станцияси ва



100 минг рақамга тенг бўлган коммутаторлар ишга туширилди. Шу пайтгача республикамизнинг барча вилоятларида «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг боғламалари фаолият юритаётганди. Жорий йилнинг 9 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳрида ҳам филиал боғламаси иш бошлади. Айни пайтда абонентларга сўзлашувлар учун бепул 5000 дақиқа вақт тақдим этиш, чиройли рақамларни танлаш каби акциялар бошлаб юборилди. Шунингдек, реклама ишлари жадаллаштирилди. Тошкент шаҳрида 23 та реклама баннери жойлаштирилди.

«Ўзбектелеком Мобайл» филиали ҳам ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда, мобил телефон хизматлари кўрсатиш билан чекланиб қолмай, балки стационар терминалларни ўрнатиш йўли билан

аҳолига, ўқув муассасалари, халқ хўжалиги объектлари ва давлат ташкилотларига симсиз телефон, маълумотларни узатиш ва интернет хизматларини кўрсата бошлади. Яқин келажакда IP-телефония хизматлари кўрсатилиши режалаштирилган. Конференцалоқа, қисқа рақам терийш, рақамни аниқлаш, кириш кўнфироғини бошқа рақамга йўналтириш, янги кўнфироқ ҳақида огоҳлантириш, чиқиш ва кириш кўнфироқларини чегаралаш каби қўшимча хизмат турларини кўрсатиш йўлга қўйилди ва яқин келажакда SMS, VMS, WAP, MMS хизматларини жорий этиш кўзда тутилган.

Карточкалар орқали маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро алоқа хизматларини кўрсатиш, абонентлар ҳисобларини тўлдириш имкониятини берувчи технологияларни жо-

рий этиш лойиҳалари устида ишланмоқда.

Жорий йил январ ойидан бошлаб «Ўзбектелеком Мобайл» филиали хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорликда сўзлашув шахобчаларини ташкиллаштириш ишларини йўлга қўйди. Сўзлашув шахобчаларида аҳолига маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро телефон хизматлари кўрсатилиб, барча сўзлашувлар филиалнинг симсиз алоқа воситалари орқали амалга оширилади. Ҳозирги кунда ушбу хизматларни ташкиллаштириш бўйича 25та хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари билан шартномалар имзоланган бўлиб, шунга асосан 79та сўзлашув шахобчасини ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирда республиканинг турли ҳудудларида 26та шахобча фаолият бошлади. Шунингдек, филиал абонентларига тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида республика бўйича 90дан ортиқ дилерлик савдо нуқталари ташкиллаштирилди.

Албатта, юқорида айтиб ўтилган ютуқлар билан бирга, ҳал этилиши зарур бўлган қатор масалалар ҳам мавжуд. Хусусан, тармоқни янада кенгайтириш, реклама ишларини жадаллаштириш, абонентларга таклиф этилаётган телефон аппаратларининг турларини кўпайтириш, филиалнинг абонент бўлимлари сонини ошириш масалалари бўйича режалар тузилган ва ишлар олиб борилмоқда.

Барчангизни республика миқёсида ўз фаолиятини бошлаган «ЎзМобайл» компанияси тармоғига уланишга таклиф этамиз.

«Ўзбектелеком Мобайл» филиали матбуот хизмати

## XALQARO HAYOT

## ГУМОНДОР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ню-Йоркда Американинг махфий ҳарбий технологиялари ҳақида Исроилга хабар етказганликда гумон қилинган АҚШ фуқароси қўлга олинди.

Сешанба куни Адлия вазирлигига Бин Амин Кадиш АҚШ миллий мудофасага тегишли махфий ҳужжатларга эга эканлиги ҳақида хабар берилган. Гувоҳларнинг маълумотига кўра, Кадиш 1980 йилдан 1985 йилгача ядро қуроллари, қирувчи самолётлар ва ракеталарга тааллуқли ҳужжатларни Исроил консуллигига етказиб турган. Айнан шу йилларда бу шахс Американинг қурол ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот марказида муҳандис бўлиб ишлаган эди.

## ЖИДДИЙ МУАММО

Бутунжаҳон озик-овқат дастури (БООД) ижрочи директори Жозет Ширан озик-овқат танқислиги оқибатида яқин йиллар ичидан дунёдаги оқликда кун кечирувчилар сони 100 миллионга етишини тахмин қилмоқда.

Ширан БМТнинг янгиликлар хизматида берган интервьюсида кейинги олти ой давомида миллионлаб одамлар очлар қаторига қўшилганини, 2005 йилда Хинд океанида бўлган цунами натижасида озик-овқат нархи кескин кўтарилиб кетганини, БООД ўзининг 45 йиллик тарихида биринчи марта бу каби кенг қўламли муаммога дуч келганини таъкидлади. Бу каби жиддий муаммога қарши дунё жамоатчилигини барикенглик қилишга чақирди.



Ширан БМТнинг янгиликлар хизматида берган интервьюсида кейинги олти ой давомида миллионлаб одамлар очлар қаторига

## ДОРИ ДАВОМИ ЁКИ...

The New York Times хабар беришича, АҚШнинг озик-овқат маҳсулотлари ва доридармонлар сифати устидан санитария назорати бўйича бошқармаса Хитойда ишлаб чиқарилган гепарин (антикоагулянт, қоннинг қўлилишини камайтирувчи восита) 81 нафар инсоннинг ўлимига сабаб бўлганлиги ҳақида маълум қилган.

Хитой томони вакили эса ушбу дори дунёнинг 11 мамлакатига етказиб берилишига қарамай фақат АҚШ шундай айблов билан чиқаётганини таъкидлади. Гепарин ишлаб чиқарувчилар доридан аралашмалар борлигини, бироқ бу беморларда кучли реакцияни келтириб чиқариши мумкин эмаслигини айтишмоқда.

КИНО ВА БОКС  
ҚИРОЛЛАРИ ЖАНГИ

Профессионал бокс бўйича 63,5 килограммгача тоифада жажоннинг собиқ мутлақ чемпиони Костя Цзю танқил актёр Жек Чан билан жанг ўтказиш ҳақида келишиб олди. 22 августда, даси вақтида ўтказилади.



Жанг жорий йил Пекин Олимпиадаси

Цзюнинг айтишича, ҳозирда актёр ва боксчи сўнги келишувларни муҳокама қилишяпти. Спортчи Чан билан бўладиган учрашув шунчаки шоу эмас, балки ҳақиқий профессионал жанг эканлигини таъкидлади. "Мен бўш келмайман, бунга аниқ қафолат берман", кўшимча қилди боксчи. Шунингдек, у рақибига профессионал боксдан дарс беришга тайёрглигини таъкидлаган ҳолда Жек Чан уни бирор филмида суратга тушишга таклиф қилади, деб умид билдирган.

Интернет материаллари асосида  
У. ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

## DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

## Доимий назоратда

Бугунги кунда республикамизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида турли хил хизматларни кўрсатишлари учун хўжалик юритувчи субъектларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Бу борада ўз салоҳиятини намойён этишга чоғланган субъектларнинг ҳақ-хуқуқлари қонуний жиҳатдан қафолатланган бўлиб, улардан фақат қонун ва тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда фаолият юритиш талаб этилади, холос. Шунга қарамайдан, айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ва турли хил мажбурий тўловларни четлаб, ноқонуний даромад олиш мақсадида қонун талабларига риоя қилмаслик ҳоллари кузатишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг

«Радиочастота спектри тўғрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 293-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида тегишли органлар билан ўзаро ҳамкорликда белгиланган тартибда рухсатномалар олмасдан ноқонуний равишда фойдаланилаётган радиозлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни аниқлаш юзасидан 23та тадбир ўтказилди. Натижада рухсатсиз радиоузатиш шахобчаларини ўрнатган ва улардан ноқонуний фойдаланиб, радиозлектрон воситалар ва юқори частотали

қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиб келаётган 20 нафар (18та юридик ва 2та жисмоний) шахс аниқланди. Уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 151 ва 152-моддаларининг 1-қисмига асосан маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, айбдорлардан Давлат бюджетига 2272860 сўм миқдорда жарима ундирилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тегишли фаолият турларини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаб ва шартларининг бажарилишини таъминлаш ва мазкур фаолият турларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари олдини олиш Давлат алоқа инспекциясининг доимий назорати остидадир.

Ҳикмат ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар  
ДАИ инспектори

## YANGI TECHNOLOGIYALAR

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январда қабул қилган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги Қарорига асосан, Хитой тараққиёт банки ва «Huawei Technologies Co Ltd.» (ХХР) компанияси иштирокида умумий қиймати 21 283,7 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш» инвестиция лойиҳасини лизинг асосида амалга ошириш юзасидан бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

## IAD интеграл қурилмаси



Инвестиция лойиҳаси бешта асосий лотни ўз ичига олади:

1-лот. «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа тармоғини кенгайтириш.

2-лот. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, Фарғона ва Жиззах шаҳарлари телекоммуникация транспорт тармоғини реконструкция қилиш.

3-лот. Тошкент шаҳар маҳаллий телекоммуникация тармоғини NGN (янги авлод тармоғи) ва TDM (каналларни вақт бўйича ажратиш) технологияларини қўллаган ҳолда модернизация қилиш ва ривожлантириш.

4-лот. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари коммутация тармоғини реконструкция қилиш.

5-лот. «Ўзбектелеком» АК коммутация станцияларини реконструкция қилиш.

Ушбу лойиҳанинг 3-лотига асосан «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалига NGN (янги авлод технологияси) авлодига тегишли коммутация тизимлари келтирилди. Сервис соҳасини ривожлантириш ва мавжуд тармоқдан самарали фойдаланиш мақсадида филиал мутахассислари абонент линиясида пайдо бўлган кабел линиялари тансиқлигини бартараф қилиш учун IAD интеграл дахлдор қурилмаларни ишлаш бошлашди. IAD интеграл дахлдор қурилмаси NGNнинг жуда керакли воситаларидан бири ҳисобланади.

SoftSwitch дастурли коммутатор бошчилигида IAD интеграл дахлдор қурилмаси IP-тармоққа уланган ҳолда фойдаланувчиларга овоз сигналлари ва маълумотлар узатиш хизматларини тақдим қилади. IAD қурилмаси ёрдамида товуш сигналлари қайта ишланади, аналог товуш сигналлар трафиғи IP протоколи асосидаги турли форматларга ўзгартириш амалга оширилади.

Аслини олганда, IAD қурилмаси медиашлюз бўлиб, бу қурилма IP-протоколли VoIP технологияси асосидаги овозли сигналлар, FoIP технологияси асосидаги факсимил хабарларни юқори зичликдаги портлар ёрдамида узатишни ҳамда гло-

бал маълумот узатиш тармоғи — интернет орқали сифатли товуш сигналларини узатишни таъминлайди.

Бу ерда ҳақли савол туғилади: IAD қурилмаси фойдаланувчиларга қандай имкониятлар яратади? Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида линиялар тансиқлиги мавжуд. Дейлик, бир ташкилот ўз идорасига бир неча рақамни бириктирган ҳолда телефон ўрнатмоқчи, шу билан бирга, факсимил алоқа ташкил қилмоқчи. Бу ҳолатда аънавий телефон тармоғида ҳар бир телефон рақами учун алоҳида линия тортилиши керак бўлади ва бунда харажатлар кўпаяди, айрим ҳолларда техник имкониятнинг ўзи бўлмайди. Агар IAD қурилмасидан фойдаланилса, ушбу ташкилотта битта телефон линияси тортилади ва IADга 4тадан 32тагача телефон ёки факс қурилмалари уланади.

Ҳозирги кунда тўртта линиягача зичлаштириш имконини берадиган IAD интеграл дахлдор қурилмасига уланган ҳолда телекоммуникация хизматларидан фойдаланишнинг ойлик тўлови Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган нархномага асосан, аҳоли тоифасидаги миқозлар учун 800 сўм, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар тоифасидаги миқозлар учун 1643 сўми ва бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар тоифасидаги миқозлар учун 3035 сўми ташкил қилади. Бунда маҳаллий тармоқда чиқиш кўнғироклари учун ҳар ойда 180 дақиқа лимит вақт берилди. Лимитдан ортиқча чиқиш кўнғирокларининг ҳар бир дақиқаси учун 2,6 сўм миқдорда тўлов олинди. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларнинг ҳар бир дақиқаси учун тўлов ҳам нархномага асосан олинади.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали миқозлари юқорида келтириб ўтганимиз каби NGN технологиясига тегишли янги хизмат турларидан фойдаланиш имконига эга бўлмоқдалар. Бу эса NGN тармоғига ўтиш учун яна бир қадам ташланганидан далолат беради.

Хуршид ЛУТФУЛЛАЕВ,  
Фаррух ЙҮЛДОШЕВ,  
ТАТУ магистрантлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

## Хижолатдан туғилган... ҲОЯ

1949 йилнинг охири... Кечаларнинг биринчи Нью-Йорклик тадбиркор Фрэнк МакНамара адвокати Ралф Шнайдер ва эски таниши Алфред Блумингдейлларни кечки овқатланиш учун ресторанга таклиф қилди. Аслида бирга овқатланишдан бирор бир мантэк ҳам йўқ эди, чунки ишлар у даражада яхши юришмаётганди. Ҳисоб-китоб қилиш вақти келганда, МакНамара ҳаммени бошқа палатосида қолиб кетганидан хабар тоқди. У рафикасига кўнгурак қилиб, ресторанга пул келтиришини сўради. МакНамара узоқ вақт кутганидан ранжимади, балки ўтаётган шармандали дақиқалардан (у бу ерда обрўли меҳмон ҳисобланарди) қаттиқ хижолат чекди. Лекин айнан шу таажубли ҳолат оз бермаганида – тўлов тизимининг пайдо бўлиши ҳам анча ортга сурилармиди?! Ҳақиқий тадбиркор исталган вазиятдан фойда кашф этади. Айнан ўшанда МакНамарада ҳамкасбларининг, умуман, обрўли кишиларнинг шундай ноқулай ҳолатга тушиб қолмаслигини бартараф этиш фикри туғилди...

МакНамара янги шаклдаги тўлов картончаларини чиқара бошлади. Бу пайтда турли хил банк картончалари амалда қўлланиларди, бироқ Diners Club асосининг хаёлига келган усул ҳали дунёнинг бирор ерида мавжуд эмас эди. МакНамара киритган янгилик нимадан иборат бўлди? Биринчидан, ушбу картончалар бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир неча савдо муассасаларида қабул қилиниши лозим эди. Нью-Йоркнинг қаҳвахоналари ва ресторанилари МакНамаранинг дастлабки рўйхатидан (аввалга 14 ресторани эди, кейинчалик улар сони 400дан ошиб кетди) ўрин олганди. Иккинчидан, картончаларни чиқариш ва тарқатиш, савдо муассасалари билан шартномалар ўрнатиш, реклама ва ҳужазо вазифаларни ўз зиммасига олган алоҳида молиявий тизим яратилди. У фойдани картончалар ёрдамида бажарилаётган амалиётлардан фойза ҳисобига оладиган бўлди. Тизим жуда оддий эди: картонча эгаси бир ой давомида рестораниларда тановул қилади ва ҳамён ўрнига картончани ишлатади. Унинг барча чиқимлари шахсий ҳисобга ёзиб борилади. Ой охирида у йилнинг суммаси бир пайтда тўланади. Миқоздан тулган пулни Diners Club рестораниларга тарқатиб чиқади ва табиийки, маълум фойзаларни ўзида ушлаб қолади... Шу тарзда биринчи тўлов тизими юзага келди. Кейинчалик бу тизим турли йўналишларга хизмат кўрсатувчи йирик тармоққа айланиб кетди.

Бугунга келиб, тўлов тизимлари орқали миллиардлаб доллар маблағ айланмоқда. Масалан, Япониянинг JCB International тўлов тизими орқали ўтган йили 11,5 млн. транзакция (пулни қабул қилиш) амалга оширилган ва умумий айланма 43 миллиард АКШ долларини ташкил этган. Бу биргина компаниянинг кўрсаткичи, ҳоло. Жаҳонда ўнлаб бундай йирик тизимлар фаолият олиб бормоқда. Электрон тўлов тизими бўйича интернет орқали хизмат кўрсатадиган компанияларга тўхталадиган бўлсак, уларнинг энг йириги бу – PayPal тизими-дир. 1998 йили ташкил этилган PayPal айна пайтда жаҳоннинг 200га яқин мамлакатда фаолият олиб боради ва 160 миллиондан ортиқ рўйхатдан ўтган мижозларга эга. Тизим 17та миллий валютада иш юратади.

Айнан PayPal тизимида биринчи бўлиб мижозлар ўртасида тўловни амалга оширишда электрон почтадан фойдаланиш жорий этилган. Унинг бизда мавжуд тизимлардан фарқи ҳам шундан иборатки, мижоз тўловни ўз уйида ёки иш жойида интернет орқали амалга оширади. Мижозлар тизимдан фойдаланганда маблағларни ўзларининг банк карталари ёки банкдаги ҳисоб рақамлари ёрдамида қолдиради. Ушбу тизим орқали нафақат турли хизматлар учун тўловни амалга ошириш, балки eBay каби интернет аукционлардан ҳар хил маҳсулотларни сотиб олиш ҳам мумкин.

## Коммунал тўловлар муаммоси ва ечим

Кундалик ҳаётимизда электр қуввати, табиий газ, ичимлик суви каби

коммунал хизматлардан доимий равишда фойдаланиб келамиз. Бундан ташқари, телефон, мобил алоқа ва интернет каби воситалар ҳам турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириш жараёнида турли муаммолар келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас. Электр ёки газ назоратчиси хонадонингизга ташриф буюриб, тўловни қабул қилиб олади ва бу ҳақда квитанция ёзиб бериб кетади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан бошқа бир назоратчи келиб, фалон суммада коммунал тўловни амалга оширишингиз лозимлигини сўрайди. Унга аввалги назоратчи бериб кетган квитанцияни кўрсатасиз. Ё ушбу квитанция ҳақиқий эмас деб топилади, ё бошқа бирор сабаб кўрсатилиб, қайта тўловни амалга оширишингиз талаб этилади. Афсуски, бу каби тушунарсиз ҳолатлар ҳозир ҳам юз бериб турибди. Айниқса, қишлоқ жойларда бундай вазиятларга кўп бора дуч келинапти. Ҳўш, муаммо қандай бартараф этилади? Мутасаддилар томонидан бунинг чоралари кўри-

“off-line” тартибда амалга оширилади. У “МТС-Ўзбекистон” компанияси мижозининг ҳисобини тўлдирди.

Бугунга келиб PAYNET тизимида кўрсатаётган хизматлари учун тўловлар қабул қилинадиган компаниялар сони 20дан ошди.

Шунингдек, ҳозирда бошқа яна бир неча электрон тўлов тизимлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан қатор истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Бу режалар тўлагичга татбиқ этиб бўлинмаганлиги сабабли ҳали улар оммавийлашишга улгургани йўқ. Масалан, E-PAY электрон тўлов тизими 2007 йил июн ойидан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўловлар ҳозирда Perfectum Mobile, Beeline ва COSCOM уяли алоқа хизматлари учун қабул қилинапти. Ушбу тизимда ҳам мижозлар тўловларни агентларга тегишли бўлган шаҳобчалар ёрдамида амалга оширади. Тўловлар интернет тармоғи ёрдамида бажарилади ва ҳеч қандай маҳсус терминал қўлланилмайди.

Мамлакатимизда он-лайн тартибда ишлайдиган тизимлардан яна бири

Керакли миждордаги сармоянинг киритилмагани, маркетингдаги хатолар ва соҳанинг барча иштирокчилари ҳам бир-бирларига тенг муносабатда бўлмагани оқибатида мобил тўлов тизimini йўлга қўйишга бўлган юзлаб уринишлар муваффақиятсиз чиқди. Шундай бўлса-да, қатор мамлакатларда мобил тўловлар йўналишида сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бизда бу тизим шаклланишининг бошланғич босқичида турбиди, Мамлакатимизда бу йўналишда “MOBLISS” тўлов тизими хизмат кўрсатмоқда. Шу йилнинг феврал ойида иш бошлаган ушбу тизим GSM ёки CDMA стандарти доирасида ишлайдиган мобил телефонлар ҳамда интернет ёрдамида хизматлар учун тўловлар ва пул ўтказмаларини амалга ошириш имконини беради. “MOBLISS” компаниясининг ахборот технологиялари бўйича директори урнбосари Саидоллим Жўраевнинг айтишича, уйданми ёки бирор бошқа жойдан турибми тизимдаги электрон ҳамён ёрдамида интернет ва IP-телефония, мобил сўзлашувлар учун



лаётгани аниқ. Бизнингча, ушбу масала ечимини топишда ахборот технологиялари ақидан ёрдам бера олади. Қандай қилиб дейсизми? Электрон тўлов тизими орқали тўланган маблағ шу заҳотиёқ хизмат кўрсатувчи корхона ҳисобига бориб тушади ва у қайд этилади. Шунинг учун топирилган маблағнинг “қаердадир ёки кимнидир қўлида қолиб кетиши” эҳтимоли йўқ. Тўлаб борилаётган маблағнинг ҳисоб-китобини олиш ҳам анча осонлашади. Ҳозирда электрон тизимлар орқали коммунал хизматлар ҳақини тўловчилар буни яхши билишади.

## Ҳуқуқий асос

Мамлакатимизда электрон тўловларни ривожлантиришда ҳуқуқий асос яратиш мақсадида 2005 йил 16 декабрда “Электрон тўловлар тўғрисида”-ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунда электрон тўлов тизимида ахборот хавфсизлигини ва муҳофазасини таъминлаш ҳамда тўлов тизими аъзоларининг электрон тўловлар тўғрисида маълумотлар махфийлигини таъминлашлари шартлиги тўғрисидаги меъёrlар белгилаб қўйилганлиги тўловнинг ушбу шакли тез суръатларда ўсишига асос бўлмоқда. Ҳозирда мобил телефонни хизматларидан фойдаланувчиларнинг аксарият қисми сўзлашув ҳақини тўлов тизими компаниялари орқали амалга оширишади. Ушбу тармоқларнинг энг йириги ва номдори PAYNET компаниясидир. Уч йил ичида (компания 2005 йили ташкил этилган) унинг хизматлари аҳоли орасида кенг оммалашиб кетди. Аввалга мобил телефон хизматлари учун тўловлар, кейинчалик интернет, уй телефони, электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик учун тўловлар қабул қилина бошланди. Агар 2008 йил бошларида мамлакатимиз бўйлаб PAYNETнинг 5000дан ортиқ шаҳобчалари хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 8000дан ошиб кетди.

PAYNET компаниясининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича бош мутахассиси Пётр Теннинг маълум қилишича, тизим бўйича илк тўловлар 2006 йили бажарилган. Биринчи пин-код 2006 йилнинг 3 августидан “off-line” тартибда 5000 сўмга сотилган. Ушбу пин-код “ARS-Infom” интернет-провайдерига тегишли эди. 2006 йилнинг 1 декабрида эса, 5000 сўмлик илк транзакция

бу – DAKA OMAD компаниясининг FAST PAY хизмати-дир. Компания 2007 йилнинг октябр ойидан бошлаб “Ягона тўлов тизими”ни ишга туширди.

## Тўлов тизими истиқболлари

Интернет ва мобил технологияларига асосланган янги телекоммуникациялар мўҳитининг юзага келиши савдо тизимида қатор ўзгаришларни келтириб чиқарди. Агар авваллари маҳсулотлар асосан қўлда етказилган бўлса, эндиликда интернет ёрдамида элтиб берилмоқда. “Номоддий” тармоқ орқали дастлаб факат файллар (видео, аудио ва дастурий) сотилар эди. Эндиликда бу рўйхат электрон чипталар, обуна, телекоммуникация ва бошқа хизмат ва маҳсулотлар билан бойитиб бориляпти. Савдодан ташқари: хизмат ва товарларнинг аукцион тартибда тақдим этилиши юқори суръатларда ривожланмоқда. Айниқса, мобил телефонлари орқали савдонинг амалга ошириш йўлга қўйилаётгани савдо-сотикнинг янги шакллари ривожланишига қўтилмаган ва жуда кучли таъсир ўтказаяпти. Қисқа вақт ичида пайдо бўлган ушбу соҳада бугун катта миждордаги маблағ айланмоқда. Маълумотларга кўра, жаҳонда мобил тўловлари айланмаси 2003 йилда 3,2 млрд.\$ни ташкил этган бўлса, 2005 йили 11,7 млрд.дан иборат бўлди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 37,1 млрд. АКШ долларига етиши кўпаяпти.

Мобил тижорати соҳасининг қалдирғочларидан бири сифатида MeritaNordbanken банки тилга олинди. Банк 1992 йили ўз мижозларига мобил ҳисоб тўловлари хизматини жорий қилган. Ҳозирда мобил телефон ёрдамида турли хил маҳсулотлар сотиб олиш ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилган.

Ушбу йўналишда Осие мамлакатлари етакчилиги ўз қўлида ушлаб турибди. Мобил тўловлар соҳасида энг илгор мамлакатлар ичида Сингапур, Корея Республикаси, Япония, Финляндия, Норвегия, Австрия, Испания ва Белгияни санаб ўтиш мумкин. Лекин келтириб ўтилган мамлакатларда мобил тўловлар соҳаси осонликча юзага келмаганини ҳам унутмаслик керак. Бир неча йиллик тадқиқотлар ва синовлар ушбу хизматларни йўлга қўйиш имконини берди.

тўловларни амалга ошириш, “MOBLISS” билан ҳамкорликни йўлга қўйган интернет-дўконлардан маҳсулотлар сотиб олиш мумкин бўлади.

Шунингдек, eKartom, Merchany, Money, pin.uz, pay.uz каби бир қатор тизимлар интернет орқали савдо-сотик ва хизматлар учун тўловларни амалга оширмоқда. Бундай компаниялар сони вақт ўтгани сайин кўпайиб бораётгани мамлакатимизда электрон тўловлар тизимининг ҳам оммалашиб бораётганини кўрсатади. Лекин, шу нарса аниқки, ушбу йўналишда асосий бозор ҳали бўш турбиди. Уни забот этишга бўлган ҳаракатлар эса энди-энди бошланмоқда. Хорижининг электрон тўловлар йўналишидаги йирик компаниялари ўзбекистонга қизиқиб билдираётганининг сабаби ҳам шунда. Яқиндан бошлаб, CyberPlat@ ва OCMП каби Россиянинг энг йирик электрон тўлов компаниялари ҳам мамлакатимизда ўз фаолиятларини йўлга қўйишди. (Маълумот учун: CyberPlat@нинг 2007 йилги умумий айланма маблағи 4 миллиард 737 - миллион АКШ долларини ташкил этди. Ушбу тизим орқали бир ойда ўртача 100 миллион тўлов амалга оширилмоқда.) Бу кескин рақобат бозорида ким ўз ўрнига эга бўлишни эса вақт кўрсатади.

Ҳуллас, электрон тўловлар бозори тобора иштирокчилар билан гавжумлашиб, электрон пул воситасида юзага келадиган ва мамлакат иқтисодий ривожига ҳисса қўшадиган самарали тизим шаклланимоқда. Бундан ким кўп фойда кўради?! Хизматлари учун тўловни олаётган компаниялар (мобил алоқа, телефон, интернет ва коммунал хизматлари) аҳолидан имкон қадар осон усулда ва янаям кўпроқ маблағ тўламоқда. Ўртада воситачи вазифасини бажарётган тизимлар ҳам хизматлари эвазига ўз ҳисобларини бойитишмоқда. Ушбу жараёнда иштирок этётган банклар ҳам нафаъат кўряпти. Мижоз эса шундоқ ҳам тўлаши керак бўлган хизматлар ҳақини ҳамда сотиб олиши лозим бўлган маҳсулотларни орқали вақт сарфламасдан, ўзига қулай пайтда ва шароитда амалга оширяпти... Демакки, жараён иштирокчиларининг бирор бири фойдадан четда қолгани йўқ.

Лутфилло ТУРСУНОВ

## В ПРЕДПРИЯТИЯХ СВЯЗИ

**Реализация программ развития инфраструктуры информационно-коммуникационных технологий (ИКТ) прочно входят в повседневную жизнь узбекистанцев. Телекоммуникационные сети республики становятся современными, интеллектуальными и обеспечивают все насущные потребности страны. Использование современных инфокоммуникационных систем связи стало неотъемлемой частью современного образования, здравоохранения, культуры, промышленного производства, управления.**

# УВЕРЕННЫЙ ШАГ В БУДУЩЕЕ

Принятое по инициативе Президента Ислама Каримова Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 307 от 1 августа 1995 года «О национальной программе реконструкции и развития телекоммуникационной сети Республики Узбекистан на период до 2010 года», обеспечило интегрирование страны в мировую систему телекоммуникаций и всестороннее удовлетворение потребности экономики и населения в услугах связи.

Деятельность филиала TShTT «Узбектелекома» направлена на внедрение инноваций и любых запрашиваемых услуг. Главные задачи и мероприятия, касающиеся создания системы общей информатизации населения и предприятий, определены Узбекским агентством связи и информатизации. Мероприятия включают создание технической инфраструктуры, поставки современных компьютеров, прокладку высокоскоростных волоконных сетей и кабелей будущего, расширения емкости международных каналов, разработка программных обеспечений для сетевых структур и компьютеров.

В соответствии с решением УзАСИ, мероприятиями, разработанными АК «Узбектелекомом» руководством TShTT на 2008 год внесены дополнения в концепцию ускорения обновлений и модернизации ресурсов сети связи. Руководство и специалисты TShTT внедряют инфраструктуру связи, основанную на базе интернет протокола (IP-Интернет), обеспечивающему конкурентоспособность, снижение эксплуатационных расходов, гибкость, повышение надежности и новые сервисы. Внедряемое оборудование NGN и технологии IP-NGN стали для предприятия очередным этапом модерниза-

ции ресурсов телекоммуникаций и разнообразных и очень необходимых услуг.

В столице нашей Родины более 90 цифровых телефонных станций предоставляют услуги связи почти 570000 абонентов. Процент цифровизации АТС достиг 100%. Прирост телефонов за 2007 год выполнен на 100%. Филиал TShTT предоставляет интернет и передачу данных по вполне приемлемым ценам и очень высокого качества, вне зависимости разговариваете ли вы по телефону. Нашим абонентам представлены семейные и корпоративные новшества, когда небольшой жидкокристаллический экран установленный над аппаратом превратил его в видеотелефон. Видеотелефония имеет выделенную нумерацию, начинающуюся на 230XXXX, ежемесячная абонентская оплата в 35000 сум и нулевая повременная плата за разговоры внутри города. Специалисты ведут работы по внедрению новых услуг — доставки телевизионных программ IPTV и других медиа-приложений по проводам квартирного телефона.

Рост потоков интернет, видеотелефонии, телевидения IPTV, передаваемых по сети передачи данных, для ИВЦ стали технологической необходимостью ввода дополнительного оборудования xDSL на всей сети TShTT. Технологии xDSL позволяют значительно увеличить объемы и скорости передачи данных по медным кабелям. Новыми перспективными направлениями для TShTT будет внедрение без проводных технологий Wi-Fi, IP-телефонии (пакетной технологии), конвергенции услуг, реализация проекта интеллектуальной платформы; вызов по расчетной карте, бесплатный вызов, телеголосование, дополнительный та-

риф, информирование абонентов на базе IVR (речевого взаимодействия с клиентом), автодозвон. Эти сервисы сегодня востребованы, например, при организации виртуальных офисов, оказывающих услуги приема и обработки заказов, платных консультаций, опросов населения, туристических поездок, телемаркетинга, телеголосования и другие. Филиал по всему городу Ташкенту создает интегрированную систему телефонизации (IAD), когда по одной паре кабеля предоставляются несколько телефонов, что особенно нужно организациям.

К перспективам фиксированной связи в предоставлении услуг широкополосного доступа будут новые сервисы, разрабатываемые совместно с другими операторами, включая сотовые компании.

Кроме услуг телефонии появились видеотелефон и IPTV видео-по-запросу, «виртуальный кинотеатр», удаленный видеомагнитофон и вообще телевидение требуют роста скоростей и пропускной способности сети. TShTT прибег к наращиванию скоростей и пропускной способности на базе систем передачи со спектральным разделением оптических каналов DWDM и гибридными решениями проблемы «последней мили», проложив оптику по ряду направлений вплоть до периферийных выносных узлов связи.

Следует отметить вопросы и большой интерес наших абонентов к инновационным дополнительным видам обслуживания (ДВО) АТС. На вопросы отвечают и реализуют телефонные узлы, абоненты рассказывают друг другу, ответы печатаются в СМИ, показывают на телеви-



дении, радио, отвечаем по e-mail inform@tshtt.uz. Сегодня в столице более 115 тысяч абонентов на своих телефонных аппаратах имеют от одной до нескольких ДВО, что оказалось комфортным и престижным. Наше стремление — обеспечить каждую семью телефоном с дополнительными услугами и интернетом. В столице очередь на установку телефонов снижается. На каждом телефонном узле специализированные структуры маркетинга нацелены на удовлетворение потребности в установке телефонов, дополнительных услуг, а для ИВЦ — обеспечением интернетом всех. В 2007 году количество пользователей интернетом от TShTT выросло более чем на 200%.


Самая сильная лояльность и привлекательность нашего бренда создается в процессе общения между людьми, когда они знают непосредственно друг друга, либо при общении между людьми, которые знают других людей.

Создание стратегического альянса между TShTT и абонентами, пользователями услугами, а так же компаниями, использующими наши ресурсы для ведения бизнеса, является отправной точкой уверенного шага в будущее.

**Валерий ГУЛИН,**  
главный специалист  
отдела маркетинга TShTT

## НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

### Электронная тетрадь будущего



Компания Kaleidoscope разработала концепцию нового электронного устройства для студентов и преподавателей. Гаджет получил название Rarugus и больше всего напоминает электронную книгу, хотя задуманная создателями устройства функциональность несколько шире.

Rarugus должен стать для студентов и преподавателей главным рабочим инструментом. Устройство должно заменить тетради и учебники, а главное, предоставить возможности для общения студентов и преподавателей друг с другом. С помощью Rarugus можно будет задавать дополнительные вопросы и обсуждать учебный материал привычным для многих современных студентов способом, используя систему меток, комментариев и т.д.

### Google хочет индексировать ДНК пользователей интернета

Похоже, Google хочет индексировать и ДНК пользователей интернета - компания инвестирует средства в калифорнийскую фирму Navigenic, предлагающую услуги по расшифровке ДНК. За 2500 долларов Navigenic предлагает клиентам следующую услугу: фирма проводит анализ образца слюны заказчика, составляет его индивидуальный генетический портрет и оценивает генетическую склонность клиента к возникновению восемнадцати заболеваний, от болезни Альцгеймера и ревматоидного артрита до некоторых разновидностей рака.

Представители Navigenic и 23andMe утверждают, что их сервисы помогают предотвращать развитие тяжелых заболеваний, так как клиенты могут предоставлять врачам полученные от этих фирм результаты генетического анализа. Однако некоторые эксперты выступают с резкой критикой подобных услуг. По мнению специалистов, из-за нехватки знаний о связи геномных последовательностей с различными заболеваниями информация, предоставляемая компаниями Navigenic и 23andMe, может вводить людей в заблуждение и провоцировать депрессии. Критики обеспокоены также тем, что подписчики будут пытаться отсылать на анализ не только собственные, но и чужие образцы слюны, нарушая тем самым тайну частной жизни.



### АФОРИЗМ

Посеешь горечь — будет горек плод,  
От сладких зерен — сладкое взойдет.

Алишер НАВОИ

# Хабар +tv



О'ЗБЕКИСТОН

- 5.55 Курстугулар дастурки  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
7.00 «Сират жавоари» Т/с  
7.35 «Менг бир равиот»  
7.40 «Дилдош наволар»  
8.00-8.45 «Ташвинона»  
8.45 «Отин мерос»  
8.50 «Қайтар дунё» Т/с  
9.35 «Йилвар»  
9.40 «Отин буйлаб» дастурки  
«Ўзбекистон табиати»  
«Боллар сайёраси»  
10.00 «Боллар дунёси»  
10.20 «Қизларди математика» М/с  
10.40 «Зиннат»  
11.00 «Абзорот»  
11.10 «Ватанпарвар»  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»  
13.00 «Худон банди»  
13.30 «Сона ва отин» дастурки «Умуми қадимди хот» Индиёнава  
14.00 «Абзорот»  
14.20 «Зои альбом»  
14.25 «Отин буйлаб» дастурки  
«Ўзбекистон табиати»  
14.45 «Отлар оузи» акцияе қуян қизинқисидан.  
15.45 2008 йил Шилер йили «Қизлар дилварин»  
16.35 «Бир кун»  
17.00 «Абзорот»  
17.15 «Отин мерос»  
17.20 «Хайт ва қирин»  
«Боллар сайёраси»  
17.40 «Эрталак» «қизилқоқа етаклар»  
17.55 «Йилвар»  
18.00 «Сониен адвокатлиги»  
18.05 «Қайтар дунё» Т/с  
18.55 «Изи дери оралиғидан»  
19.15 «Соналар ошунада»  
19.25 19.55 20.55 21.30 Эшлонлар.  
19.30 «Абзорот» Т/с  
20.05 «ТВ шифони»  
20.10 «Анна билон» Т/с  
20.50 «Менг бир равиот»  
21.00 «Абзорот»  
21.35 «Парламент вақтин»  
21.55 «Сунети қироллиги» Т/с  
23.00 «Қушнисиқан, муваббат» /SMS/  
23.10 «Мари Колин» Т/с  
23.55-24.00 Тунин наволар.  
«Довабилан»  
24.00 Курстугулар дастурки  
00.05 «Отин буйлаб» дастурки  
«Тошкент оқшони»  
00.15 «Абзадет оқларин»  
01.00 «Абзорот» Т/с  
01.30 «Зои альбом»  
01.35 «Ватанпарвар»  
02.25 «Чамқон»  
02.45 «Отлар оузи» акцияе қуян қизинқисидан.  
03.45 «Нафосот оқшони»  
03.55 «Менг бир равиот»  
04.00 «Абзорот»  
04.30 «Отин мерос»  
04.40 «Отин буйлаб» дастурки  
«Ўзбекистон табиати»  
05.00 «Қайтар дунё» Т/с  
05.45-05.55 Токити наволар



- 15.55 «Ватанам мавзев»  
16.00 «Дар»  
16.10 «Жаҳангаштан» Т/с

## ДУШАНБА — 28 АПРЕЛ

- 17.35 «Тошкент — 2200»  
17.40 «Келасак оқшони»  
17.50 «Эурди индишларин»  
18.00 «Монте-Кристо» Т/с  
18.35 «ЎзЕХ хабарларин»  
18.40 «Мулан мултош»  
18.55 «Дар»  
19.00 «Дар»  
19.30 «Анна» Т/с  
20.15 «Келасак оқшони»  
20.30 «ТВ-банк»  
20.40 «Биллар наволин»  
21.00 «Тошкент оқшони»  
21.10 «Хулмон» Т/с  
21.55 «ЎзЕХ хабарларин»  
22.00 «Дар»  
22.30 «О, шилтелин»  
22.35 «SMS-муноси»  
23.00 «Хайт-маюти» Т/с  
23.45 «Тасани»

О'ЗБЕКИСТОН

- 17.50 Курстугулар тартиби.  
17.55 Мультифильм: «Дамбо». 1-қисм.  
18.06 21.50 «Телеоркер» - маркет.  
18.25 «Билгисимин»  
18.30 «Пойлат»  
18.50 «Экспрессларин» Т/с  
19.20 «ТВ юрст»  
19.25 «Мунаса SMS»  
19.50 «Саломат бўлиш» Т/с  
20.00 «Пойлат» Т/с  
20.15 «ТВ юрст» Т/с  
20.20 «Милларот» Т/с Т/с  
20.50 «Интервао»  
21.00 «Жоқибан»  
21.30 «Пойлат»  
21.45 «Улдузи»  
22.10 «Али қилбин»  
22.30 «Пойлат» Т/с  
22.45 «Кино SMS со звезданам»  
22.50 00.20 Кино: «20 сигарет»

SPORT

- 7.00 «Борон утрон»  
8.00 «Тунин»  
8.25 «Миласов +»  
9.30 «Ворон»  
10.00 Сернал «Ташвино деня»  
11.00-11.50 «Мингорулин»  
...  
18.00 «Тет-а-тет»  
18.10 Мультифильм.  
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18.55 «Музей тайли»  
19.25 «Спортинг мульткаларин»  
19.50 «Сурлоптон»  
20.00 «Футбол шарин»  
20.30 «Бизнес-рево»  
20.40 «Жди мени»  
21.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
13.00 Д/ф «Разрушители мифов».  
14.00 18.00 Т/с «Звездные враты»  
15.00 20.00 Т/с «Кости».  
17.00 «Унци»  
19.00 00.00 Т/с «За гранью возможного».  
21.00 Д/ф «Тайные знаки».  
«Книга заклятий».  
22.00 Х/ф «Рискуя жизнью».  
01.00 Х/ф «Меч Александра».

**TNT**

05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бич».  
05.55 «Глобальные новости».  
06.00 12.30 18.00 Такси.  
06.30 М/с «Ох, уж эти детки!»  
07.00 18.30 Москва: инструкция по применению.  
07.30 «Необязательно, но факт»  
08.30 23.40 Т/с «Саша + Маша»  
09.00 17.00 19.00 Т/с «Счастливы вместе».  
10.00 М/с.  
13.00 Т/с «Женская лига».  
13.30 20.00 23.10 03.45 «Дом 2»  
14.35 Комедия «Отпуск за своей четой» 1 и 2 с.  
21.00 Комедия «Куклы».  
00.10 Наши песни.  
00.25 Т/с «Возвращение в Эдем» 1 с.  
01.20 Триллер «Имитатор».

**Душанба**

07.00 10.40 13.30 18.00 20.10  
Узбек наволари  
08.00 «Жасгига ўқашни йўқ»  
123-серия  
08.30 17.00 Мировые хиты  
09.30 Сериял «Замонавий она»  
5-серия  
11.00 Prime time (рус)  
11.30 «Люди икс-3» X/ф.  
14.30 «Премьера» (рус)  
15.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 123-серия  
15.30 Мультифилм  
17.30 «Кинюкьер»  
18.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 124-серия  
19.00 Сериял «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 6-серия  
21.30 Сериял «24 часа»  
22.20 Комедия: «АГЕНТ КОДИ БЭНКС» X/ф.  
00.15 Миксер

**Сешанба**

07.00 08.30 13.25 18.00 20.30  
Узбек наволари  
08.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 124-серия  
09.30 Сериял «Замонавий она» 6-серия  
10.40 20.10 Мировые хиты  
11.30 «Агент Код Бенкс» X/ф.  
14.25 «Топ-10»  
15.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 124-серия

15.30 Мультифилм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
17.30 «Премьера» (узб)  
18.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 125-серия  
19.00 Сериял «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 7-серия  
21.30 Сериял «24 часа»  
22.20 «БОЛЬШОЙ КУШ» X/ф.  
00.20 Миксер

**Чоршанба**

07.00 08.30 13.30 17.30 20.30  
Узбек наволари  
08.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 125-серия  
09.30 Сериял «Замонавий она» 7-серия  
10.40 17.00 20.10 Мировые хиты  
11.30 «Большой куш» X/ф.  
14.30 «Кинюкьер»  
15.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 125-серия  
15.30 Мультифилм  
18.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 126-серия  
19.00 Сериял «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 8-серия  
21.30 Сериял «24 часа»  
22.20 Киноколлекция: «КОРОТКИЙ ФИЛЬМ О ЛЮБВИ» X/ф.  
00.05 Миксер

**Пайшанба**

07.00 08.30 13.20 18.05 20.10  
21.00 Узбек наволари  
08.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 126-серия

йўқ» 126-серия  
09.30 Сериял «Замонавий она» 8-серия  
10.40 Мировые хиты  
11.30 «Короткий фильм о любви» X/ф.  
14.30 «Премьера» (узб)  
15.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 126-серия  
15.30 Мультифилм  
17.00 «Baby Terra Landiya»  
17.30 «Топ-10»  
18.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 127-серия  
19.00 Сериял «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 9-серия  
20.30 «JannatMakon»  
21.30 Сериял «24 часа»  
22.20 «АФЕРА ТОМАСА КРАУНА» X/ф.  
00.30 Миксер

**Жума**

07.00 08.30 13.40 18.00 20.10  
Узбек наволари  
08.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 127-серия  
09.30 Сериял «Замонавий она» 9-серия  
10.40 17.00 Мировые хиты  
11.30 «Афера Томаса Крауна» X/ф.  
15.00 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 127-серия  
15.30 Мультифилм  
17.30 «Премьера» (рус)  
18.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 128-серия

йўқ» 128-серия  
19.00 Сериял «ЗАМОНАВИЙ ОНА» 10-серия  
21.30 Сериял «24 часа»  
22.20 «АКВАМАРИН» X/ф.  
00.20 Миксер

**Шанба**

07.00 11.30 15.30 19.30 21.05  
Узбек наволари  
08.30 14.30 Мировые хиты 9.30  
«Акварин» X/ф.  
12.00 Baby hits  
12.30 Мультифилм  
16.30 Семейное кино: «БОЛЬШАЯ РЫБА» X/ф.  
19.00 Prime time (узб)  
20.30 «Топ-10»  
21.30 «Премьера» (узб)  
22.00 «7 СЕКУНД» X/ф.  
23.55 — 01.40 Другая музыка

**Якшанба**

07.00 11.25 16.40 19.30 21.00  
Узбек наволари  
08.30 18.00 Мировые хиты  
09.00 Prime time (узб)  
09.30 «7 секунд» X/ф.  
12.00 «Baby Terra Landiya»  
12.30 Мультифилм  
14.30 Сериял «Жасгига ўқашни йўқ» 124-128 сериалар  
19.00 Prime time (рус)  
20.30 «Кинюкьер»  
21.30 «Премьера» (рус)  
22.00-01.00 «ГЛАДИАТОР» X/ф.

**RTR SPORT****Душанба**

05.45 Футбол. Премьер-лига. «Динамо» (Москва) — «Рубин» (Казань)  
07.45 10.00 13.30 18.35 21.45 01.45  
«Вести-спорт»  
03.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»  
08.15 М/Ф «Проклятие юта Леплонга»  
09.15 «Мир детского спорта»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Вести-спорт. Местное время»  
10.15 «Сборная Россия»  
11.05 Хоккей на траве.  
12.45 Стрельба на луна. Кубок мира.  
13.30 Футбол. Чемпионат Италии.  
«Ювентус» — «Вирго»  
15.30 Футбол. Премьер-лига. «Спартак» (Москва) — «Москва» (Москва)  
17.30 22.20 «Футбол Россия»  
18.45 ПБ. Рои Хуарес (США) — Хосе Эрнандес (Мексика)  
19.55 Волейбол. ЧР. Мужчины. Финал.  
«Динамо» (Москва) — «Ирбис» (Сургуты)  
22.05 Настрей ЧМ по хоккею.  
23.25 «Наезд спортак»  
00.35 «Самый сильный человек»  
01.55 «Рыбалка с Радзиевским»  
02.10 «На всех парусах»  
02.45 Хоккей на траве. Олимпиады квалификационный турнир. Женщины. Финал.  
04.15 «Сборная Россия».

**Сешанба**

05.05 Футбол. Премьер-лига. «Лун-Энерджи» (Владивосток) — ЦСКА  
07.10 «Леплонга спорт»  
07.45 10.00 12.15 17.40 22.20 01.45  
«Вести-спорт»  
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»  
08.15 М/Ф «Принцесса Шехерезада»  
09.15 Т/с «Свой козак»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Футбол Россия».

11.15 16.05 «Нареди спорт»  
12.25 22.45 Настрей ЧМ по хоккею  
12.55 Футбол. Первенство России  
14.25 Баскетбол. Кубковый чемпионат России. Финал.  
17.10 21.45 «Сборная уклад»  
17.55 02.25 Баскетбол. ЧР. Женщины. 1/2 финала.  
19.35 «Рыбалка с Радзиевским»  
19.55 Волейбол. ЧР. Мужчины.  
23.00 01.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
23.30 Футбол. ЛЧ.  
04.10 Автопорт. Мирская серия. Монца.

**Чоршанба**

05.45 Футбол. Премьер-лига.  
07.45 10.00 13.50 17.40 22.25 01.45  
«Вести-спорт»  
03.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»  
03.10 М/Ф «Страна чемпионов»  
08.35 М/Ф «Принцесса Шехерезада»  
09.15 Т/с «Свой козак»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Сборной уклад»  
10.45 19.10 Футбол. ЛЧ.  
12.45 Автопорт. ЧМ по ралли.  
14.00 22.45 Настрей ЧМ по хоккею.  
14.15 22.55 Волейбол. ЧР.  
15.55 Баскетбол. Кубковый чемпионат России. Финал.  
17.10 «Путь Дракона»  
17.50 «Самый сильный человек»  
21.15 ПБ. Рои Хуарес (США) — Хосе Эрнандес (Мексика)  
23.00 01.55 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
23.30 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала.  
04.20 Автопорт. Мирская серия. Монца.  
05.25 «На всех парусах».

**Пайшанба**

05.00 Футбол. Премьер-лига. «Спартак» (Москва) — «Москва» (Москва).  
08.00 10.00 13.50 17.50 20.25 01.45

«Вести-спорт»  
08.10 Стрельба на луна. Кубок мира.  
08.45 Баскетбол. Кубковый чемпионат России. Финал.  
10.10 «Путь Дракона»  
10.40 18.05 Футбол. ЛЧ.  
12.45 «Самый сильный человек»  
14.00 Настрей ЧМ по хоккею.  
14.15 Футбол. Обзор Лиги чемпионов.  
15.10 ЦСКА — 85 лет любви.  
17.05 «Рыбалка с Радзиевским»  
17.20 «Точка отрыва»  
20.10 Дневник ЧМ по хоккею.  
20.35 «Вести-спорт. Местное время»  
20.45 Футбол. Кубок УЕФА.  
23.40 Футбол. Кубок УЕФА.  
01.55 Футбол. Обзор Кубка УЕФА.  
02.50 ПБ. Рои Хуарес (США) — Хосе Эрнандес (Мексика).  
03.55 ЦСКА — 85 лет любви».

**Жума**

05.55 Футбол. Кубок УЕФА. 1/2 финала. «Зенит» (Россия) — «Бавария» (Германия).  
08.00 10.00 13.25 17.40 20.30 23.35  
«Вести-спорт»  
08.40 «Сборная Россия»  
08.45 Баскетбол. Кубковый чемпионат России. Финал.  
10.10 20.40 «Вести-спорт. Местное время»  
10.20 23.00 «Точка отрыва»  
10.59 Футбол. Кубок УЕФА.  
12.50 «Леплонга спорт»  
13.25 22.45 Дневник ЧМ по хоккею.  
13.50 Футбол. Кубок УЕФА.  
15.55 Баскетбол. ЧР. Женщины.  
17.50 «Футбол Россия. Переда турок»  
18.25 Футбол. Премьер-лига.  
20.50 Баскетбол. Евролига.  
23.50 Баскетбол. Евролига.  
01.45 Хоккей. ЧМ. Канада — Словакия.  
03.55 Хоккей. ЧМ. Россия — Италия.

**Шанба**

06.40 ПБ. Рои Хуарес (США) — Хосе Эрнандес (Мексика).  
07.50 10.00 13.25 17.55 21.05 02.55  
«Вести-спорт»  
08.00 Футбол. Премьер-лига.  
10.10 21.20 «Вести-спорт. Местное время»  
10.15 21.30 Дневник ЧМ по хоккею.  
10.30 Хоккей. ЧМ. США — Латвия.  
12.50 «Сборная Россия»  
13.35 Хоккей. ЧМ. Канада — Словакия.  
18.00 Баскетбол. Евролига.  
18.05 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.  
18.40 Хоккей. ЧМ. Россия — Италия.  
21.55 Хоккей. ЧМ. Белоруссия — Швеция.  
00.25 Хоккей. ЧМ. Германия — Финляндия.  
03.05 Автопорт. ЧМ по ралли.  
04.10 Хоккей. ЧМ. Словакия — Норвегия.

**Якшанба**

06.40 16.40 Автопорт. Мирская серия. Спл-Франсишом.  
07.45 10.00 13.35 17.40 03.55 «Вести-спорт»  
08.00 09.00 «Зарядка с чемпионом»  
08.10 Мультифилм  
09.15 «Мир детского спорта»  
09.45 «Мастер спорта»  
10.10 «Вести-спорт. Местное время»  
10.15 «Страна спортивная»  
10.45 «Рыбалка с Радзиевским»  
11.00 16.10 Дневник ЧМ по хоккею.  
11.15 Хоккей. ЧМ. Белоруссия — Швеция.  
13.50 Хоккей. ЧМ.  
17.53 Футбол. Чемпионат Италии.  
18.55 Футбол. Премьер-лига.  
21.55 Хоккей. ЧМ. Россия — Чехия.  
00.25 Баскетбол. Евролига.  
04.10 Хоккей. ЧМ. США — Словакия.

(бир хил маълумотларни кўпайтиринг)

· Устунлар номлари

· Турли маълумотлар: матн, рақам (умумий, пулли)

2. Жадвал безалишини тўғриланг.

3. Жадвални сақлаб олинг.

Қуйидаги жадвални тузиб кўринг:

№ т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	Нархи	Давр бошида қолдиқ		Қирим		Чўқим		Давр охирида қолдиқ	
				Сони	Жами	Сони	Жами	Сони	Жами	Сони	Жами
	Бақлажон	кг.	100	120		4		25			
	Қабачки	кг.	200	345		4		50			
	Қарам	кг.	150	170		9		3			
	Қартошка	кг.	500	230		12		12			
	Пилёз	кг.	250	120		67		3			
	Сариқ сабзи	кг.	200	124		23		45			
	Қизил сабзи	кг.	300	130		12		12			
	Бодринг	кг.	350	180		90		8			
	Патиссон	кг.	400	140		24		14			
	Яшил булғор дўлмаси	кг.	67	150		78		5			
	Қизил булғор дўлмаси	кг.	245	120		23		1			
	Помидор	кг.	125	100		12					
	Турп	кг.	100	45		89		4			
	Шолғом	кг.	100	2		23		12			
	Лавлаги	кг.	170	12		45		1			
	Саримсоқ	кг.	300	45		67					

Давоми бор.

8

## КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Хабар» газетаси тахририяти

(Давоми. Аввали газетанинг 9, 13, 14, 15, 16-сонларида.)

### 7-дарс. ЖАДВАЛ КЎРИНИШИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАШ

MS Excel дастурининг асосий вазифаси — турли жадваллар билан ишлаш. Бу жадвалларга рақам, матн киритиш ва турли ҳисоб-китоб амалларини бажариш мумкин.

Жадвалдаги маълумотларни:

- Саралаш,
- Филтрлаш,
- Гуруҳлаш,
- Бирлаштириш,

· ва турли хил шартлар бериш мумкин.

Ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини таъминлаш учун катаклар орасидаги боғлиқликни кузатиб

1

ёрдамида катакдаги маълумотларнинг ташқи кўринишини ўзгартириш мумкин.

### “Катакларни безаш”

(Формат ячеек) ойнаси бўлимлари

“**Рақам**” (Число) — рақамларнинг турли кўринишлари учун ишлатилади.

“**Текислаш**” (Выравнивание) — қуйидагилар учун керак:

- Ориентация
- Катакдаги маълумотларни текислаш
- Катакнинг матн билан тўлдирилиши
- Матн йўналиши

“**Шрифт**” — қуйидагиларни белгилайди:

- Белгиларнинг ташқи кўринишини
- Белгиларнинг ёзилиш услубини
- Белгиларнинг ҳажмини
- Белгиларнинг махсус безалишини.

“**Чегара**” (Граница) — қуйидагиларни белгилайди:

- Катаклар чегарасини
- Чегара чизигининг турини
- Чегара чизигининг рангини

“**Кўриниш**” (Вид) — катак орқа фонининг ран-

6

рини киритиш мумкин:

- Рақам
- Матн
- Формула (у “=” тенглик белгисидан бошланади)

### Жадвалга маълумотларни киритиш

Маълумотларни киритиш жараёнида формула қаторининг чап тарафида 3та тугма пайдо бўлади:

- Қизил хоч белгиси
- Яшил “галочка”
- Ва fx функция белгиси

Биринчи тугмачани боссангиз, ёзган маълумотингиз ўчиб кетади. Худди шу амални Esc тугмаси билан бажарса бўлади.

Иккинчи тугмани боссангиз, ёзган маълумотингиз ячейкага ёзилиб қолади. Худди шу амални Enter тугмаси билан амалга ошириш мумкин.

Учинчи тугма “Мастер Функций” ойнасини очиб беради.

### Ибораларни автоматик яқунлаш (Автозавершение).

Иш жараёнида кўп ҳолатларда битта устунда қайтариладиган маълумотлар мавжуд бўлади. Уларни ҳадеб қайта киритмаслик учун EXCEL

3

бориш лозим. Киритилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда турли диаграммалар яратиш, яратилган ҳужжатни кейин фойдаланиш учун сақлаб қўйиш, уни тегишлича безаб, босмадан чиқариш мумкин.

#### **MICROSOFT EXCEL дастурида ишлаш ҳақида умумий маълумот**

MICROSOFT EXCEL дастурида яратилган файллар ишчи китоб деб аталади ва .XLS қисқартмасини олади. Ҳар бир китоб 256 ишчи варақдан иборат.

Ҳар бир электрон жадвал 256 устун ва 65536 қатордан иборат бўлиши мумкин.

Қатор номи рақамлар билан белгиланади (1,2,3).

Устун номи латин алифбоси ҳарфлари билан белгиланади. 27-устундан бошлаб устун номлари иккита ҳарф билан белгиланади (AA, AB, AC ва ҳоқ. Охириги устун IU билан белгиланади).

Устун билан қатор кесишган жойда катак жойлашган. Катакнинг номи A1, H78, I90, яъни устун ва қатор номларидан иборат. Катакка маълумотлар киритиш мумкин.

#### **Маълумот киритиш. Катакларни безаш.**

**“Автозаполнение” функциясидан фойдаланиш**  
Электрон жадвалга қуйидаги маълумот турла-

2

ги ёки нақшини белгилайди.

**“Ҳимоя” (Защита)** — катаклардаги формуларни ҳимоялайди.

#### **Катаклар қийматини пул сифатида белгилаш**

Биринчи усул:

1. Катакни белгилаймиз.

2. “Стандартная” асбоблар панелида “Пулли кўриниш” (Денежный формат) тугмасини босамиз.

Иккинчи усул:

“Катакларни безаш” (Формат ячеек) ойнасини очамиз.

1. “Рақам” (Число) бўлимига ўтамиз.

2. “Рақам кўринишлари” (Числовые форматы) бўлимида “Пулли” (Денежный) сатрини танлаймиз.

3. «Обозначение» пунктида керакли бирликни танлаймиз.

#### **7-дарс учун амалий топшириқлар**

1-топшириқ

1. Жадвал яратинг

Унда:

·Жадвал саҳифаси

(катаклар бирлаштирилишини синанг)

7

уларни эслаб қолиб “Ибораларни автоматик яқунлаш” (Автозавершение) функцияси орқали тез тарзда ёзиши мумкин. Бу амал ёзиш жараёнида кўп вақтни тежайди ва хатоликлардан сақлайди.

“Ибораларни автоматик яқунлаш” (Автозавершение) функциясини ёкиш ва ўчириш:

1. “Сервис” менюсида “Ўлчамлар” (Параметры) бўлимини танлаймиз;

2. Пайдо бўлган диалогли ойнада “Тўғрилаш” (Правка) бўлимини танлаймиз;

3. “Катакдаги ибораларни автоматик яқунлаш” “Автозаполнение значений ячеек” деган жойни белгилаб қўямиз ёки олиб ташлаймиз.

#### **Тўлдириш маркери**

Белгиланган диапазоннинг ўнг паст бурчагида мавжуд бўлади. Курсор унинг устида бўлган пайтда курсор қора хоч шаклига айланади. Шу ҳолатда сичқончанинг чап тугмасини босиб, керак бўлган тарафга тортамыз.

4

#### **“Қийматни автоматик тўлдириш” (Автозаполнение) амали**

Катак маркерини судраш орқали “Қийматни автоматик тўлдириш” амалини бажариб, катакларнинг нусхасини кўпайтириш ёки тўлдириш мумкин. Бунда катак ёнидаги бошқа катакларга қараб қиймат ҳисобланади.

Агарда катакларда рақамлар, сана ва бошқа турдаги боғлиқ қаторни ташкил этувчи қийматлар бўлса, маркер судралганда уларнинг қийматлари давом эттирилади.

Масалан, катакда “Январ” қиймати бўлса, унинг ёнидаги катакларни унинг маркерини судраб тез тўлдириб олиш мумкин. Бунда унинг ёнидаги катакларга “Феврал”, “Март” ва ҳоқ. қийматлар тушади. Шунингдек, фойдаланувчи ўзи учун тез-тез ишлатиладиган қийматларнинг рўйхатларини яратиши мумкин (масалан, бўлимлар номлари).

#### **Катакларни безаш**

1. Катакни белгилаймиз.

2. Кейин “Формат” менюсидан “Катаклар” (Ячейки) бўлимини танлаймиз.

3. Қуйидаги келтирилган қўшимча варақлар

5



**Инсон ким биландир мулоқотга киришар экан, ишининг қандай битиши кўп жиҳатдан унинг муомаласига боғлиқ. Негаки, ширин муомала билан битмайдиган иш ҳам битиб кетади, кўпол муомала билан битадиган иш ҳам битмаслиги мумкин.**



## Устоз

Шундай ширинсўз инсонлардан бири кўплаб шоғирларнинг устози, республика кутубхоначилиги ривожига ўзининг 45 йиллик салмоқли ҳиссасини қўшган Абдуқаҳҳор ака Қобулов бугун 60 ёшга тўлди.

Абдуқаҳҳор Қобулов ўзининг узок йиллик иш фаолияти давомида оддий кутубхоначилик вазифасидан раҳбарликгача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, юқори назарий тайёргарлиги, ўз ишига ҳиддий ва ижодий ёндашиши 1964 йили вилоят болалар кутубхонаси ташкил этилганида эътиборга олинди, у ерга раҳбар этиб тайинланди. Устоз 1964-1975 йиллардаги фаолияти давомида вилоят болалар кутубхонасини бутунлай янгича ахборот, болалар ва ўсмирларга кутубхона хизмати кўрсатувчи асосий услубият марказига айлантиришга эришди. У 1975 йилдан Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги йирик ва нуфузли ви-

лоят илмий-универсал кутубхонасига раҳбарлик қилди. Устоз раҳбарлиги остида республикада биринчи бўлиб шаҳар ва туманларда кутубхоналар тармоқларини марказлаштириш ишлари амалга оширилди.

Абдуқаҳҳор ака ўзининг кўп йиллик иш тажрибаси, билими, юксак маънавияти билан нафақат андижонликларга, балки республикада ҳам ўрнатилган олган кучли мутахассис ва табаррук инсондир. Кутубхонада 20-30 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Н.Ҳасанова, Г.Абдурахмонова, И.Чернова, А.Алиева, Н.Азнабоева, З.Шаҳобитдинова, М.Қодирова, Н.Қосимова, Р.Гил-

мановалар Абдуқаҳҳор акани устоз дея ардоқлайдилар.

Менинг оддий кутубхоначилик вазифасидан раҳбарлик лавозимигача кўтарилишимда ҳам устозим А.Қобуловнинг ҳиссалари катта деб ўйлайман. Айни пайтда у киши нафақат бўлишига қарамадан кутубхона фаолиятини бошқаришда маслаҳатлари ва тахрибаларини аямаган ҳолда сафимизда фаолият кўрсатиши жамоамиз учун қувонарлидир.

Устозимизни табаррук 60 ёши билан андижонлик барча кутубхона ходимлари ва китобсеварлар номидан кизгин муборакбод этамиз, узок умр, оилавий бахтсаодат тилаймиз.

**Х.КАРИМОВА,**  
Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори

## ТАНРИРИЯТГА ХАТ

### ЯХШИЛАРГА ТАШАККУР!

Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ғўс қишлоғида истиқомат қиламан. Қишлоғимизда қарийб 26000 аҳоли истиқомат қилади. Ҳамқишлоқларимиз содда ва меҳнаткаш, юрт ривожига ҳисса қўишишни ўзларининг инсонийлик бурчи деб билувчи ажайиб кишилар. Уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишларини ривожлантиришларида, шунингдек, барчанинг оғирини энгил, узогини яқин қилишда туман телекоммуникациялар боғламаси ходимларининг ҳам ҳиссалари бор.

Биз, айниқса, боғлама бошлиғи Низом ака Хушназаров ҳамда бевосита қишлоғимиз аҳолисига телефон хизмати кўрсатувчи Уктам Аҳмедовлардан миннатдоримиз. Шунингдек таъкидлашни истар эдимки, Уктамжон бутун умрини алоқа соҳасига бағишлаган ажайиб инсон Незмат ака Аҳмедовнинг фарзанди. У ота касбини давом эттириб, эл олқишига сазовор бўлаётди.

Ургутлик алоқачиларнинг иш сифатини ошириш, носозликларни ўз вақтида бартараф этиш йўлидаги саяё-харакатлари одамни қувонтиради. Келгуси йилнинг май ойида қишлоғимизга 1000 рақамли замонавий АТС ўрнатилишини эшитиб роса хурсанд бўлдим. Эл фаровонлиги, юртимиз ободлиги йўлидаги бундай эзгу ишлар тезроқ рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

Мен барча қишлоқдошларим номидан юқорида номлари зикр этилган инсонларга узок умр, ишларида ривож тилайман. Эл бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинглар, дейман.

**Абдулло ОЧИЛОВ**  
Самарқанд вилояти

## KASBIM — FAXRIM

### БИР САФДА

Қарши шаҳридаги «Жо-зиба» ресторанида «ЎЗИ-Қарши» филиали ходимлари Раъно Шаропова ҳамда Шариф Раҳматовларнинг юбилей кечаси ўтказилди.

Филиал директори Жуманазар Бозоров сўзга чиқиб, юбилейларни кутлар экан, уларнинг алоқа соҳасини ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси, бугунги кунда ҳам меҳнатда, оила юртида кўпчиликка ўрнатилган намунаси эканликларини таъкидлаб, бундан кейинги ишларида омад тилади.

Раъно Шаропова 1975 йилдан буён алоқа соҳасида меҳнат қилади. У Тошкент электротехника алоқа институтида таҳсил олган. Раъно опа Қарши шаҳридаги телефон станцияларининг реконструкция қилиш ва янги замонавий «Искрател» русумидаги электрон станцияларга алмаштириш ишларида фаол иштирок этди. Камтарин ва хушмуомалалиги билан обрў-эътибор қозongan Раъно Шаропова ҳозирда филиалнинг 224-ЭАТСда муҳандис бўлиб ишламоқда.

Раъно опанинг турмуш ўртоғи Шариф Раҳматов ҳам олий маълумотли муҳандис. Филиалнинг транспорт бўлими катта электромеханиги. Улар мактабда бир синфда ўқишди, институтда ҳам бирга таҳсил олдди, турмуш қуришди. Икковлон битта меҳнат жамоасида меҳнат қилишмоқда.

Тадбир давомида юбилейларга филиал маъмурияти томонидан қимматбахо совға топширилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ**

## Ҳикмат

ЭЙ ДЎСТИМ, БИЛИМЛИ КИШИ ИЗЛАГИЛ,  
АГАР СЎЗЛАСАНГ СЎЗ, БИЛИБ СЎЗЛАГИЛ.

Аҳмад ЮГНАКҲИЙ

## НАМКОРЛИК RISHTALARI

# Порлоқ келажакимизга дахлдор

Бозор муносабатларининг талаблари асосида янгидан барпо этилаётган замонавий олий ўқув юртларининг кўпқиррали фаолиятини ҳамкорлик алоқаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзаро маданий, илмий-назарий, ўқув-услубий соҳалардаги ҳамкорлик олий таълим имкониятларини янада кенгайтиради, профессор-ўқитувчилар олиб бораётган тадқиқотлар кўламини ошириб, талабалар билимининг чуқур ва ҳар жиҳатдан асосли бўлишига замин ҳозирлайди.

Ушбу ҳаётий ҳақиқатни яхши англаб етган ТАТУ Фарғона филиали раҳбарияти ўқув юрти ташкил этилган дастлабки ойлардан оқ республикамизнинг бошқа олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга катта аҳамият берди. Аввало, водийда кўп йиллардан буён фаолият юртиб келаётган Андижон ва Фарғона давлат университетлари, Наманган муҳандислик-педагогика институти, Фарғона политехника институти каби олий ўқув юртлари билан ўрнатилган алоқалар туфайли филиалнинг ахборот-ресурс маркази янги дарслик, ўқув қўлланмалари билан бойитилди. Тошкент ахборот технологиялари университети тақдим этган электрон дарслик ва қўлланмалар ўқув жараёнини кўргазмалли ва мазмундор ташкил этишда муҳим аҳамият касб этапти.

"Юз бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал", дейди халқимиз. Шу йил январ-феврал ойларида филиалнинг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ТАТУда бўлишиб, у ердаги ўқув жараёни, илмий ҳаёт ва кафедра фаолияти билан яқиндан танишиб қайтишди. З.Ҳайдаров, А.Холмурзаевлар бошчилигидаги профессор-ўқитувчилар ТАТУда ўрганганлари асосида кафедра фаолиятини қайта қуришга киришдилар. Натижанда ўқув жараёнида бир қатор ижобий ўзгаришлар юзга келди.

Март ойи охирида филиалга ТАТУ ўқув бўлими бошлиғи, доцент Х.Булакбоев ва "Амалий информатика" кафедраси доценти А.Қаҳоровлар ташриф буюришиб, филиалда олиб борилаётган ўқув, услубий ва илмий ишлар билан яқиндан танишишди, кафедра фаолиятини ўрганишди, шунингдек, аспирантларга қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар беришди.

Яқинда филиалимизга ТАТУда 50 йилдан буён ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган заҳматкаш олим, "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси мудири доцент Омон ака Абдуазизов ташриф буюрди.

— Домланинг "Электр алоқа назарияси", "Телекоммуникация тизимлари ва тармоқлари" фанларидан 2-3-босқич талабаларига ўқиган маърузалари ҳаммада

катта кизиқиш уйғотди, — дейди "Телекоммуникация" кафедраси катта ўқитувчиси Н.Жўраев. — Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Омон ака ўз соҳаси муаммоларидан яхши хабардорлиги, назарий билимларни содда, раван тилда баён қила олиши билан талабалар ҳурматига сазовор бўлди.

Устоз-шоғирдлик муносабатлари ўзаро ҳамкорликнинг доимий самарадор омилидан бири эканлигини яхши биламиз. Шу жиҳатдан олганда, филиалда меҳнат қилаётган кўпчилик ёш ўқитувчи ва ассистентларнинг ТАТУдаги салоҳияти юксак бўлган профессор-ўқитувчиларга шоғирд бўлиб, илмий тадқиқот ишлари олиб бораётганликлари қувонарлидир. Илмий тадқиқотчи Баҳодир Аъзамхонов (раҳбари проф. Ҳ.Зайниддинов), Шухрат Умаров (раҳбари проф. М.Мусаев), Абдурашид Ҳоликназаров (раҳбари проф. А.Нишонов), Шаҳноза Маҳмудова (раҳбари проф. Т.Ражабов) ва бошқалар учун Ёшлар йили улкан зафарлар йили бўлиб қолса, ажаб эмас.

Интилаганга толе ёр, дейишарди. Албатта, ишонч-этиқод руҳи билан суғорилган бу каби ҳамкорлик алоқаларининг кўнарайдиган давримизнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

**Набижон СОЛИЕВ,**  
ТАТУ Фарғона филиали доценти


BO'SH VAQTLARDA

# КРОССВОРД

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан "RADIAN-LEKS" хусусий фирмасининг (Тошкент шаҳри) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000893 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 17 апрелдан тўхтатилди.

**ЭНИГА:** 5. Наманган вилоятидаги балнеологик курорт-сихатгоҳ. 6. Ўзбек уруғларидан бири. 8. Тўтиқуш тури. 11. Фалладошларга мансуб бир йиллик ўт. 12. Ўз тарикатини яратган хоразмлик шайх, сўфийликнинг йирик вакили. 13. Қовун нави. 16. АҚШдаги штат. 17. Предметнинг белгисини билдирувчи сўз туркуми. 18. Фарғона вилоятидаги кулолчилар маскани. 21. Чумчүксимонлар туркумига мансуб кичкина сайроқи қуш. 22. Қатикдан ажралиб чиқадиган сарғиш суюқлик. 24. Марокаш пул бирлиги. 25. Россиядаги шаҳар, Қолмиғистон пойтахти. 30. Дунёдаги энг чуқур қўл. 31. Ўзбек миллий таоми. 32. "Мартин Иден" романи муаллифи. 36. "Ер юзининг сайқали" деб таърифланган қадимий ва навқирон шаҳар. 38. Машҳур ҳинд киносанъаткори. 39. Дастаси узун, икки торли миллий чолғу асбоби. 40. Табиат ходисаси. 41. Ўқув қуроли. 42. Шимолий Америкадаги яриморол.



**БЎЙИГА:** 1. Марказий Осиёдаги тоғ тизмаси. 2. Туркманистондаги вилоят, Амударё бўйида жойлашган. 3. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат пойтахти. 4. Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатган саркарда, шоир ва тарихчи. 7. Зич, майин, тик ва қисқа патли газлама, духоба. 8. Қўқон хони Умархоннинг адабий тахаллуси. 9. Қазак (Россияда) қўшинлари олий бошлиғи. 10. Мушқусимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. 14. Фарбий Европадаги мамлакат пойтахти. 15. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асари. 19. Ранг-баранг товланувчи кристалл. 20. Намозхон эркаклар (одатда, кекса ёшдагилар) бошига ўрайдиган узун оқ ёки кўкиш мато. 21. Африкадаги шўр сувли берк қўл. 23. Бўғма илон тури. 26. Олий ҳарбий унвон. 27. Осиёдаги Ўрта Ер денгизига туташ давлат пойтахти. 28. Тез топадиган, зеҳни ўткир. 29. Бухоро вилоятидаги туман. 33. XVII аср охири XVIII аср бошида яшаб ўтган ўзбек газалнавис шоири. 34. Фарбий Африкадаги мамлакат. 35. Ўзбек миллий спорт тури. 37. Қирғовуллар оиласига мансуб йирик уй паррандаси.

Тузувчи: **Исмоил МУСО**

## "@" БЕЛГИСИ ҚАЧОН КИРИБ КЕЛГАН?

@ белгисидан XVI асрда Венецияда оғирлик ўлчови бирлиги сифатида фойдаланганлигини биласизми? Эндиликда уни инглизлар — "at", юнонлар — "сто", араблар — "фи", японлар — "аттомаку", индонезияликлар — "ух" деб атайдилар. Ушбу белгига нисбат берилган ҳолда пайдо бўлган ўхшатишлар ҳам чакки эмас. Германия, Голландия, ЖАР, Словенияда уни кўполроқ қилиб, "маймун думи" деб аташади. Полша ва Сербияда оддийгина "маймунча", Дания ва Швецияда "хартум", Чехия ва Словакияда эса "селёдка ўрами" дейдилар. Италияликлар ва корейликларнинг интернет манзилларида "чувалчан" дейилса, тайванликлар "сичқонча", исроилликлар "штудел", туркларда "кулак" ("кулок"), русларда "собачка" ва улардан бизнинг тилга "кучукча" бўлиб ўтган.

## MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

### Янги мулоқот давраси

«Unitel» масъулияти чекланган жамияти барча корпоратив абонентлар учун «Менинг даврам» тариф режаси амалга киритилганини маълум қилди. Янги «Менинг даврам» тарифи — бу корпоратив абонентлар учун абонент тўлови мавжуд бўлмаган ўзига хос тариф режасидир. — Биз ўз корпоратив миқозларимизга мўлжалланган тарифларни кенгайтиришни давом эттирялмиз, — дейди «Unitel» МЧЖ тижорат ишлари директори Андрей Солоухин. — «Менинг даврам» тарифи режага киритилган дақиқалар билан қизиқмайдиган, фақат реал сўзлашув вақти учун пул тўлашни истаган абонентлар учун аини мудоаодир. «Менинг даврам»ни танлаган миқозлар адашишмайди. «Менинг даврам» тариф режасида корпоратив гуруҳ ичидаги чиқиш кўнғироклари \$0,01ни ташкил этади. Қолган барча маҳаллий кўнғироклар қайси йўналишга қилинишидан қатъи назар \$0,03дан иборат. Тармоқ ичидаги кўнғироклар — бепул. Батафсил маълумотни [www.beeline.uz](http://www.beeline.uz) сайтидан ёки (+99890) 370-0628 рақами орқали олиш мумкин.

BU-OZIQ

**Узоқ ўтмишдаги ажодларимиз меҳнат билан етиштирган неъматларни бири-бири билан айирбош қилганда ҳеч қандай муаммо бўлмаган. Ҳамма товарлар тўғридан-тўғри айирбош қилинган, яъни бугдой бор кўйга, камзули бор матога алмашган ва ҳоказо. Лекин товарлар бири-бирига муайян миқдорда, яъни алмашув хислатига эга бўлган тенгликда айирбош қилинган.**

Алмашув жараёнида мутлақо бири-бирига ўхшамаган товарларни тенглаштириш мумкин бўлса, унда уларнинг қандайдир умумий тенглик бирлиги бўлиши мумкинлиги ҳақида инсонда фикр туғилади. Тенглик бўлмаса, айирбошлаш содир бўлмайди, чунки ҳеч қачон учта от битта кўйга алмаштирилмайди. Ана шу даврдан бошлаб кишилар турли неъматларни бири-бирига айирбош қиладиган ажойиб хусусиятга эга бўлган нарса нима эканлиги устида бош қотириб, пировард натижада пулни ихтиро қилганлар. Шундай қилиб, пулнинг пайдо бўлиши асрлаб давом этган ва таби-

# Пул — ҳаёт муаммоси...ми?

ийки, тарихий жараёнга айланган. Лекин пул қачон ва қаерда пайдо бўлганлиги ҳақида ҳеч ким аниқ маълумот бера олмайди. Мисрдами, Грециядами ёки қадимги Римдами? Фақат қозғоқ пуллар XI асрда Хитойда ихтиро қилинганлиги маълум. Демак, инсоният пулни ихтиро қилгандан кейин турли товарларни олди-сотди қилиш мумкинлигини англаб олди. Пул тезда бутун жаҳон аҳли ҳаёт-мамотини ҳаракатга келтирадиган ажойиб кучга айланди ва инсониятни ўз гирдобига тортиди. Ҳар бир инсон хоҳлайдими-хоҳламайдими, икки йўналишида — пул топиш ва уни сарфлаш йўналишида ҳаракат қилади. Моҳирлик билан юзлаб пул топиш услубини ўйлаб топган инсоният уни сарфлаш учун ҳам ғалати услубларни кашф қилди. Товар бўлса — харидор топилади, талаб бўлса — таклиф ҳам бўлади. Ҳозирги даврда товарлар бозорини тасаввур қиладиган бўлсак, ҳамма нарса, яъни оддий игнадан

тортиб то йирик корхоналаргача, корпорацияларгача, савдо марказларигача пулга сотилади ва сотиб олинади. Демак, пул сеҳрли хислатга эга бўлиб, инсоният илгаридан зўр бериб пулнинг юқори даражада ва одилона тақсимланиши тамойилларини тушуниб етишга ҳаракат қилиб келади, чунки ҳеч қачон пулга эгалик қилишнинг чегараси бўлмайди. Пул ҳақида кўп гап юритилади ва уни кўпроқ топишга ҳавас қилинади, чунки пул сарф қилиш ёқимли омилидир, лекин шуниси борки, пул қанчалик кўп бўлса, шунчалик унда ҳузур ҳаловат кам бўлади ва пулни кўпайтириш билан боғланган ташвиш янада ошади. Аммо шундай одамлар борки, пули камлигига қарамасдан ўзларини бахтиёр сезадилар ва бу ишларида ўзларини эркин ҳис этадилар, пул деб юракбағрини эзмайдилар. Бахт, умуман пулда эмаслигига ва, аини пайтда, пул йўқлиги ҳам бахт келтирмаслигига аниқ ишонса бўлади, чунки бахт ўз йўлига, пул ўз

йўлига. Бу параллел тушунчалар бизнинг онгимизда ёнма-ён яшайди. Лекин ҳар бир киши ўз маънавий ва моддий қадрият тизимига эгадир. Ҳар кимнинг бойликка, пулга бўлган ўз муносабати бор, яъни пулга, бойликка ҳирс ёки нафрат билан қарайди. Баъзи кишилар қарзга ботиб яшайди, баъзилари ортиқ даражада тўплайди. Лекин кўнчилиқ пулга жиддий ва эркин муносабатда бўлади. Улар пулнинг қадрини билдилар ва зарурат учун сарфлайдилар. Энг муҳими, қўлга тушган пулни тежамкорлик билан етказишга ҳаракат қиладилар. Шундай ҳулосага келиши мумкинки, пул ишлаб топса бўладиган нарса. Аммо уни қинғир йўллар билан топишга ружу қўйиш яхшилик келтирмайди. Ота-боболаримиз ризқни ҳалолдан берсин, деб бежиз айтмаганлар.

Шер МУСЛИМОВ,  
ТАТУ "Иқтисодий назария"  
кафедраси доценти

SPORT

ГАЛАБАЛИ ЮРИШ

**Тошкентнинг «Курувчи» ва «Пахтакор» клублари Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг 4-турини ўтказишди.**

«Курувчи» ўз уйида Суриянинг «Ал-Иттиҳод» клубини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди.  
**«КУРУВЧИ» — «АЛ-ИТТИХОД» — 1:0**  
 Гол: Т.Копадзе, 31.

Ушбу муҳим галаба Миржалол Қосимов шогирдларини чорак финалга янада яқинлаштирди. «Сепакон» сафарда Саудиянинг «Ал-Иттиҳод» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, ҳозирча «Курувчи»да 9, «Сепакон» ва «Ал-Иттиҳод»да 6, Суриянинг «Ал-Иттиҳод»ида эса 3 очко бор. Кейинги турда 7 май кун «Курувчи» ўз майдонида саудияликларни қабул қилади.

«Пахтакор» Ироқнинг «Арбил» клубига қарши учрашувининг иккала бўлимида икки хил ўйин кўрсатди. Биринчи бўлимда зўрга ҳисобни тенглаштиришга эришган Равшан Ҳайдаров шогирдлари танаффусдан сўнг ироқликларга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Айниқса, Гейнрих томонидан киритилган тўртинчи тўп учрашув безағига айланди.

**«АРБИЛ» — «ПАХТАКОР» — 1:5**  
 Голлар: Х.Ҳайдар, 20 – Т.Салоҳ, 39 (ўз дарвозасига); Н.Кўзибоев, 70; Д.Маркович, 73; А.Гейнрих, 81; А.Холматов, 90+3.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Қувайтнинг «Ал-Қодисия» жамоаси сафарда Қатарнинг «Ал-Гарафа» клубини 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, пешқадамликни янада мустаҳкамлаб олди. Энди «Ал-Қодисия» ҳисобида 10 очко бор. «Пахтакор» эса 7 очкога эга. 7 май кун бўлиб ўтадиган 5-турда Равшан Ҳайдаров шогирдлари айнан «Ал-Қодисия» меҳмони бўлишади.

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Банкок шаҳрида Шарқ якка кураши бўйича III Бутунжаҳон ўйинлари бўлиб ўтди.

Спортнинг муайтай тури ҳам мусобақалар дастуридан жой олди. 50га яқин мамлакат вакиллари иштирок этган мазкур баҳсларда ҳамюртларимиз саккиз вазн тоифасида рингга кўтарилишди ва уларнинг барчаси финалга қадр етиб боришди. Улардан Азиз Назаров, Фирдавс Холмуродов, Мавлонбек Қаҳҳоров, Убайдулла Каримов, Артур Қодиркулов, Анвар Бойназаров, Жасур Мирзамуҳаммедовлар чемпионликни қўлга киритди. Юсуф Ибрагимов эса қумуш медалга эга бўлди.

Ушбу ажойиб натижа терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашни таъминлади.

РАҚИБЛАРИМИЗ — БАА ВА ХИТОЙ

6-9 май кунлари Дубай шаҳрида пляж футболу бўйича Жаҳон чемпионати саралаш босқичи учрашувлари ўтказилади.



Унда футболнинг ушбу тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ҳам илк бор иштирок этади. Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси "А" гуруҳида Бирлашган Араб Амирликлари ва Хитой терма жамоалари билан куч синашидан бўлди. "В" гуруҳидан эса Япония, Эрон ва Филиппин терма жамоалари жой олишди.

Гуруҳдан чиқиш учун Ўзбекистон терма жамоаси камида иккинчи ўринни эгаллаши зарур ва бутун саралаш босқичининг натижалари бўйича эса камида учинчи ўринни банд этиши талаб этилади. Кучли учликдан ўрин олган жамоалар мундиал иштирокчисига айланишди.

КУЧЛИЛАР БАҲСИ

Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Эрон термаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди.

Осиёнинг энг кучли жамоалари ўртасида кечган баҳс анча шиддатли ва ҳужумкор кўриниш олди. Бироз устунликка эга бўлган эронликлар кичик ҳисобдаги галабага эришди.

Ўзбекистон — Эрон — 0:1  
 Гол: Муҳаммад Ризо Заҳматқаш, 36.

НАВБАТДА РОЙ ЖОНС

Ўтган ҳафтада иккинчи ўрта вазнда WBC, WBA ва WBO чемпиони Жо Калзаге собиқ мутлақ жаҳон чемпиони Бернард Хопкинсини очколар ҳисобида мағлубиятга учратди.

Агар келишувлар муваффақиятли яқун топса, Жо Калзагенинг навбатдаги рақиб яна бир бокс юлдузи — собиқ мутлақ жаҳон чемпиони Рой Жонс бўлиши мумкин.

ЭЪЛОН!

Фуқаро Сандарипов Абдурашид Султоновичга Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Дониш кўчаси 4-уйда жойлашган қаҳвахона бизнеси учун берилган 3905574274-рақамли ер кадастри ҳужжати йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

«Фаргона Телеком» филиали жамоаси филиал ходими **Алла ХАГАЙНИНГ** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Коллектив ОАО «Ўзбекистон почтаси» глибоко скорбит в связи с кончиной старейшего работника почтовой связи республики **Сидоровой Александры Денисовны.**

ТЕНГ КУРАШЛАР

Европа Чемпионлар лигаси ярим финалининг биринчи учрашувларида дуранг натижалар қайд этилди.

«Ливерпул» ўз майдонида Лондоннинг «Челси» клубини қабул қилди. Биринчи бўлимнинг 43-дақиқасида Кюйтнинг ажойиб голи эвазига «Ливерпул» ҳисобда олдинга чиқиб олди. Бенитес шогирдлари 1:0 ҳисобини ушлаб қолиши ҳам мумкин эди. Аммо ҳакам қўшиб берган сўнги дақиқаларда Рисе ўз дарвозасини ишғол қилиб қўйди.



**«Ливерпул» — «Челси» — 1:1**  
 Голлар: Кюйт (43) — Рисе (90+5, автогол).

Каталонияда ўтган «Барселона» ва «Манчестер Юнайтед» учрашувида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Учрашувнинг 4-дақиқасида белгиланган пеналтини «МЮ» етакчиси Криштиану Роналду аниқ амалга ошира олмади.

**«Барселона» — «Манчестер Юнайтед» — 0:0**

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
 Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
 (Бош муҳаррир ўринбосари)  
 Бахтиёр КУБЕЕВ  
 Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
 Миродил САНГИЛОВ  
 Шухрат СОДИҚОВ  
 Лутфилло ТУРСУНОВ  
 (масъул котиб)  
 Асаджон ХҲҲАЕВ  
 Рустам ҚОСИМОВ  
 Содикжон ҚОСИМОВ

Газета  
 Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
 Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
 Тел.: 233-36-48; 236-35-29.  
 Факс: 236-36-42.  
 E-mail: orif@infonyet.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эътиборга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Нашримиздан кучириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал — 0**  
 Реклама матнларининг тўғрилик-лиги тахририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
 Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

353-С сонли буюртма.  
 Оффсет усулида босилди.  
 Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.  
 Адади: 12531 нусха.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
 Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
 Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
 UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
 Босишга топширилиш вақти — 20.00.  
 1 2 3 4 5 6 7 8

TOSHKENT SHAHRINING 2200 YILLIGI OLDIDAN

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарор жаҳон цивилизацияси ривожига ўзининг муносиб ўрнига эга, дунёда “Шарқ дарвозаси” мисли билан машҳур, барча ўзбекистонликларнинг фахру ифтихори, севимли маскани бўлмиш гўзал пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз ҳамда халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигидан далолатдир.

# Табаррук маскан



Дарҳақиқат, Тошкент қадимдан юксак маданият маркази, илм ўчоғи ҳисобланиб келинган. Бу ерда не-не буюк алломалар, жаҳон маданияти ривожига ҳисса қўшган инсонлар яшаб ўтмаган дейсиз. Ана шулардан бири, ажойиб муҳаддис, тилшунос ва шоир, машҳур аллома Қаф-фол аш-Шоший ҳамда унинг номи билан боғлиқ табаррук маскан ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Қаф-фол аш-Шошийнинг тўлиқ исми Абу Бакр ибн Али Исмоил Қаф-фол аш-Шоший ал-Кабир бўлиб, араб манбаларида унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш мақсадида номига улуғ, муҳтарам маъносини аниқлашчи “ал-Кабир” сўзи қўшиб ёзилади. Қаф-фол аш-Шоший 903 йилда Тошкент—Шошда хунарманд оиласида дунёга келади. Абу Бакр ибн Али Исмоил мохир хунарманд бўлиб, кулфозликда шўхрат қозонган эди. Унинг хунарига нисбат бериб айтилган “Қаф-фол”, яъни кулфоз, кулфчи сўзи тахаллусига ай-ланиб кетган. Зеро, у кулфозлик-дай нозик хунарни пухта эгал-лаган қўли гул инсон сифатида ҳам машҳур эди.

Қаф-фол аш-Шоший аввал Шош-да, кейинчалик Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳрларида ҳамда Марказий Осиёдаги маърифат масканларида билим олади. Мад-расаларда ўқиш билан бирга Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Му-ҳаммад ат-Термизий каби йирик мутафаккир олимлар, муҳаддис-ларнинг илмий меросларини ўр-ганади. Машҳур муҳаддис ва илоҳи-ётчи Хайсам ибн Қўлайб қўлида фикҳ, илоҳиёт ва бошқа соҳалар-дан таълим олади. Айниқса, фикҳ илмини пухта ўрганиш билан бир-га фалсафа, мантиқ, адабиёт со-

ҳаларидан ҳам чуқур билим олиш-га ҳаракат қилади.

Қаф-фол аш-Шоший ўз били-мини ошириш мақсадида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб, ўз даврининг кўзга кўри-нган кўплаб олим мутафаккирла-ридан илм ўрганади. Исломола-мида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий каби имомлик даражасига эриш-ган алломалар анчагина. Қаф-фол аш-Шоший ҳам ана шу улуғ дара-жага етишган таниқли инсонлар-дан биридир. Замондошлари уни Ҳазрати имом деб улуғлашгани ҳам бежиз эмас.

Улуғ аллома фақиҳлар ичида биринчи бўлиб “Ал-Жадал ал-Ҳасан” (“Яхши баҳс-мунозара”), “Одоб ал-қози” (“Қозининг феъл-атвори”) каби китоблар ёзган. Шунингдек, олимнинг бошқа кўплаб асарлари эл орасида машҳур бўлган.

X-XII асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тўтган ўрни бўйича илмий-тадқи-қот ишлари олиб борган Незма-тулло Муҳамедов Қаф-фол аш-Шошийнинг жами асарлари ҳақида тўлиқ маълумот келтира-ди. Шунингдек, у марҳум муфтий Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон томонидан Тошкентга келтирил-ган Дамашқ шаҳридаги “Зоҳи-рия” кутубхонасида сақланаёт-ган “Жавомий ал-калим” (“Қисқа иборали ҳадислар”) китоби ҳақида алоҳида фикр билдирди (мазкур асар Ўзбекистон мусул-монлари идораси кутубхонасида сақланмоқда).

— Шоший асарига берилган ҳадисларда ислом дини аҳом-ларидан ташқари одоб-ахлоқ, илми-маърифат, таълим-тарбия-га доир ҳикматли иборалар ҳам қайд этилган, — дейди таржимон

Н.Муҳамедов. — Ундан халқ ичи-да кенг тарқалган матал ва ма-қоллар, шунингдек, турли ноёб ҳикматли сўзлар ўрин олган. Бу эса ҳадисларнинг кенг халқ ом-маси учун тушунарли бўлиши, тарқалишида муҳим аҳамият касб этган.

Гўзал пойтахтимиз марказида “Хастимом” деб аталувчи мақба-ра ҳамда зиёратгоҳ мавжуд. Бу ном ана шу буюк зотга нисбатан айтиладиган “Ҳазрати имом” ибор-расининг қисқарган шаклидир.

Қаф-фол аш-Шоший 976 йилда вафот этиб, ана шу масканга дафн қилинганлар. Кейинчалик у зот қабрлари атрофига Тошкентда машҳур бўлган мўтабар зотлар дафн этилган.

Республикаимиз мустақиллик-ка эришганидан сўнг Ўртбоши-миз томонидан тарихий қадам-жоларга эътибор кучайтирилди. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Тер-мизий ёдгорлик мажмуаларида катта таъмирлаш ишлари олиб борилгани каби “Хастимом” маж-муасида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ўтган 2007 йил Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) қарори билан Тошкент ислом маданияти-нинг пойтахти дея эътироф этил-ди. Мазкур қарор муносабати билан “Хастимом”да катта таъ-мирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди. Ва улуғ бобомиз, Қаф-фол аш-Шоший мақбараси ҳамда “Хастимом” мажмуаси халқимиз-нинг севимли зиёратгоҳига ай-ланди. Бугунги кунда бу ер одам-лар билан гавжум. Пойтахт аҳоли-си ва меҳмонлар бу масканга келиб, аждодларимиз руҳига эҳтиром кўрсатмоқдалар.

Муборак МИРКАМолова,  
Улмас ХОЛМУМИНОВ

## «SMS-пакетлар»

МТСдан янгилик: Ўзбекистонда SMS мулоқотни севадиганлар учун «SMS-пакетлар» акцияси ўтказилади. «SMS-пакетлар»даги хабарларнинг ҳар бири алоҳида нархланадиган анъанавий SMS-хабарлардан фарқи шундаки, улар абонентлар учун арзонроқ нархланади. Ушбу хабарларни Ўзбекистондаги барча мобил операторлар абонентларига юбориш мумкин.

Пакет	Пакетдаги SMS-хабарлар сони	Нархи	Пакетни активлаштириш учун USSD-команда
«SMS 60»	60	\$1	*111*017*1#
«SMS 150»	150	\$2	*111*017*2#
«SMS 250»	250	\$3	*111*017*3#

Акциянинг амал қилиши муддати 15 апрелдан 31 майгача. SMS-пакетлар USSD-команда ёрдамида ёқилади. Пакет нархи фаоллаштиришда абонент ҳисобидан олинади ва тегишли SMS-хабарлардан 30 кун ичида фойдаланилади. Мулоқотни жуда ҳам севадиганлар эса бир вақтнинг ўзида иккита пакет олишлари мумкин.

## Табриклаймиз!

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси Фаргона туман телекоммуникациялар боғламси бошлиғи Равшанжон ИСМОИЛОВНИ; “Ўзбектелеком Мобайл” филиалининг Қорақалпоқ боғламси жамоаси “Қорақалпоқ Телеком” филиалининг Марказий таъмирлаш бюроси раҳбари Тажигул АТАБАЕВНИ; “Қорақалпоқ Телеком” филиали Хўжайли телекоммуникациялар боғламси жамоаси ходимлар — Надежда СЕРИКБАЕВА ва Жадигер АБДИКАРИМОВНИ, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали жамоаси филиал ходими Максетбай ДОШ-ЖАНОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси “Матбуот тарқатувчи” масъулияти чекланган жамияти ва касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари Чимбой филиали бошлиғи Нурмахан УТЕКУЛОВНИ 60 ёши билан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақиятлар тилайди.

ТАТУнинг 130-05, 131-05 гуруҳ талабалари университетнинг “Почта хизматини автоматлаштириш” кафедраси мудири Гулчехра НАЗАРОВАНИ туғилган кунини билан табриклайди. Унга узоқ умр, оилавий бахт ва ишларида зафарлар тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қорақалпоқ филиали Хўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси ходим Аноргул ШАРИПОВАНИ таваллуд топган кунини билан табриклайди. Унга оилавий бахт ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

8-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламси жамоаси участка техник назоратчиси Жалол УРОҚОВНИ табаррук 60 ёши, станция бошлиғи Ражаб АЛИҚУЛОВНИ 55 ёши билан муборакбод этади. Уларга омонлик, ишларида ривож тилайди.



## Азиз муштарийлар!

«Xabar» газетасига обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 228

